БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 74 (18.252). • 28 март 1982 йил, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР 60

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

Куни кеча серқуёш республикамизнинг давлат байроғига яна бир олий нишон — учинчи Ленин ордени қадаб қўйилди. Учинчи беш йиллик якунларига биноан она Ватанга пахта, дон, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, мева, узум, канап ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш соҳасида эришилган улкан ютуқлари учун Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ана шу юксак мукофотга сазовор бўлган эди. Мукофотни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев топширди.

Дарҳақиқат, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларига, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида иш самарадорлиги ва сифатини ошириш юзасидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг қимматли маслаҳатлари ва кўрсатмаларига амал қила бориб, республикамиз меҳнат аҳли ўтган беш йилликда экономиканинг барча соҳаларида қувончли натижаларга эришди. Ўтган беш йилликда республикамизда 67 та янги йирик саноат корхонаси барпо этилди. Ҳозир асосий фондлар ва оборот маблағлари 53 миллиард сўмга етди. Беш йил ичида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 5 центнер кўпайиб, жами 28,5 миллион тонна «оқ олтин» етиштирилди. Мана, икки йилдирки, республика мамлакатга йилига олти миллион тоннадан ошириб пахта етказиб беришнинг эришмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев мукофотни топшираётиб сўзлаган нутқида айтганидек, бу муваффақиятларга Совет Ўзбекистонининг миллион-миллион ишчилари ва колхозчилари қилган саботли, чинакам қаҳрамонона меҳнати туфайли эришилди. Бу муваффақиятларга коммунистларнинг авангардлик роли туфайли, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шараф Рашидович Рашидов бошчилигидаги республика Компартияси Марказий Комитетининг моҳирона раҳбарлиги туфайли эришилди.

Республикамиз экономикасининг юксалаётганлиги ҳам, социал соҳадаги ва маданиятдаги муваффақиятлари ҳам, аввало, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлати ленинча миллий сиёсати принципларининг турмушга муттасил ва изчил татбиқ этилиб келаётганлиги билан боғлиқдир. Совет Ўзбекистони СССРдаги барча қардош халқлар ва даставвал буюк рус халқи билан доимо ёнма-ён, бир сафда келаётганлиги учун ҳам ўтмишдаги қолоқликдан бугунги гуллаб яшнаётган, Шарқдаги энг илғор республикалардан бирига айланди.

Ўзбекистон бугунги кунда бутун бепоён Ватанимизнинг иқтисодий ва маданий юксалишига, совет халқлари дўстлигини ва қардошлигини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан, Ноқоратупроқ ўлкани ривожлантириш комплекс программасини амалга оширишда Ўзбекистон мелиораторларининг актив иштироки КПСС Марказий Комитетининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Бинобарин, мамлакатнинг Ноқоратупроқ зонасидаги ташландиқ ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш учун бошланган Бутуниттифоқ ҳашари амалдаги интернационализмнинг ажойиб кўринишидир. Зотан, 1966 йилги зилзила оқибатида юз берган вайроналардан қайта тикланган, юксак даражада ривожланган индустрия ва катта фан шаҳри, улкан маданий марказлардан бирига айланган, ёзувчилар ва кинематографчиларнинг энг катта жаҳон анжуманлари ўтказиладиган жой бўлмиш Тошкент ҳам СССР халқлари қардошлиги ва дўстлигининг инсон кўзи билан бунёд этилган рамзи, интернационализмнинг амалдаги тимсоли сифатида иттифоқдош республикалар пойтахтлари туркумида бамисоли Шарқ юлдузи каби порлаб турибди.

Умуман Ўзбекистон мисолида интернационализм янада яққол кўринади. Республика партия ташкилоти саксон тўрт миллатга мансуб бўлган коммунистларни ўзида бирлаштирган бўлиб, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари орасида эса йигирма миллат вакили бор.

Мамлакат барча халқларининг умумий фаровонлиги йўлидаги ҳалол, виждонан, зўр самарали меҳнатни англатувчи, умумдавлат манфаатларини маҳаллий, маҳкамачилик манфаатларидан кўра устун кўя билишни, мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплекси пухта ишлашини таъмин этишни англатувчи интернационализм туфайли Совет ҳокимияти йилларида ўсиб камол топган ўзбек зиёлилари республикамиз доврўғини жаҳонга таратдилар.

Аммо, партия бизни шодиёна байрамларда ҳам фақат ютуқларнигина санаб ўтиш билан кифояланмасликка ўргатади. Шу боис бугунги кунда ғап фақат эришилган ютуқларни эски рақамлар ва нормаларга таққослашдагина иборат бўлиб қолмаслиги, ана шу ютуқлар соясида яшириниб ётган ҳамда фойдаланилиши лозим бўлган резерв ва имкониятлар борлигини унутмаслигимиз керак. Ҳали ҳам тўла фойдаланилмаётган резервларни, аниқроғи эса камчиликларни экономиканинг ҳамма соҳаларида учратиш мумкин. Масалан, биринчи ва иккинчи сорт пахтанинг республикамизда жами тайёрланаётган ҳосил ҳажмидаги улуши кейинги беш йилликда 70 процентдан 46 процентга тушиб кетгани ҳам ҳеч сир эмас.

Саноатнинг кўпгина тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланилмаётир, бунинг устига уларни иш билан таъминлаш камайиб кетишига ҳам йўл қўйилмоқда. Минерал ўғит, цемент, ип ғазлама ишлаб чиқарадиган корхоналарда жумладан шундай бўлмоқдаки, ўтган йили ҳар тўрт корхонадан бири маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш план топшириғини бажармади, бу корхоналар 400 миллион сўм ликдан кўпроқ маҳсулотни кам берди. Саноат маҳсулотини ўстиришнинг атиги 56 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган учрашувда республикамизда капитал қурилиш ва уй-жой қурилиши соҳасида ҳам жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатиб берди. «Қурилишдаги ва аввало уй-жой қурилишидаги сифат тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим, — деди у. — Самарқандда, Бухорода, баъзи бир қишлоқ районларида меҳнаткашлар уй-жойларнинг сифати паст эканлиги тўғрисида кўп шикоят қилаётганликларини менга айтиб беришди». Ўртоқ Л. И. Брежнев бунга чек қўйиш ва аҳволни зудлик билан ўнглаб олишни тавсия қилди. Зеро, партия эълон қилган ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўли экономиканинг ҳамма резервларини ишга солишни, мавжуд қувватлардан омилкорлик билан фойдалана билишни тақозо этади.

Меҳнат ресурсларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш саноатнинг бир қанча тармоқларида ва айниқса қурилишларда ишчилар етишмаётган бир пайтда жуда ҳам муҳимдир. Республикамиздаги кичик шаҳарларда ва поселкаларда корхоналарнинг филиалларини барпо этган ҳолда жойларда мавжуд ишчи ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш борасидаги хайрли ишни яна ҳам кенг авж олдириш, асосий корхоналарда ҳам, уларнинг филиалларида ҳам ускуналарнинг унумли ишлатилишига эришиш лозим. Бунинг учун жойларда одамларнинг онгини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва ўқитишни ташкил этиш, уларни янги соҳада ишлашга қизиқтириш чораларини кўриш керак. Бу соҳада маҳаллий партия, совет органларига, комсомолга катта вазифалар юклангандир. Улар, шунингдек мамлакатимизнинг энг асосий ёқилғи-энергетика базаси вужудга келтирилаётган, қудратли индустриал марказлари барпо этилаётган Ғарбий Сибирь ва Узоқ Шарқда, асримизнинг энг катта қурилишлари — Тюмень нефть-газ ресурсларини ўзлаштиришда ва Байкал — Амур темир йўл магистрали қурилишида ёшларнинг шахсан иштирок этиш иштиёқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари айниқса муҳимдир. Бу — гражданлик, интернационал тарбиянинг ажойиб мактабидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистонга ҳар галги келиши республикамиз меҳнат аҳлининг қалбида чуқур из қолдирмоқда, уларга экономика ва маданиятни янада ривожлантиришнинг янгидан янги уфқларини очишда ёрдам бермоқда. Ҳу гал ҳам шаҳар ва қишлоқларимизда барча ёшу қари ўртоқ Л. И. Брежневни азиз ва қадрдон меҳмон, доно маслаҳатчи, тадбиркор раҳбар ва олижаноб инсон сифатида қарши олди. Негаки, ўртоқ Л. И. Брежнев ўзига хос нодир иқтидор билан вазифаларни шундай бир тарзда ўртага қўядики, меҳнат аҳли бу вазифаларни бамисоли ўз қалбида туғилгандек қабул қилади. Бу эса унга ғайрат бахш этади, кучига куч қўшади.

У республика меҳнат аҳлининг КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашида бебаҳо дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир. Шуни ҳисобга олиб, апрель ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг махсус пленумики ўтказиб, унда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда бўлган вақтида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни атрофлича муҳокама қилишга қарор берилди.

Комил ишонч билан шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон меҳнат аҳли ўртоқ Л. И. Брежневнинг экономика ва маданиятнинг турли тармоқларига оид қимматли маслаҳатлари ва кўрсатмаларига амал қилиб, хўжалик ва маданий қурилишда янада яхши кўрсаткичларни қўлга киритади. Бунинг бирданбир гарови тарақасида шаҳар ва қишлоқларимизда, меҳнат коллективларимизда ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида эришилган муваффақиятларни, унинг иккинчи йили ҳам чакки бошланмаётганлигини кўрсатиш мумкин. Саноат ишлаб чиқариши, қурилиш ва бошқа соҳаларда иш маромининг барқарор юксак даражада бўлиши таъминланмоқда. Пахтакорларимиз ва қишлоқ хўжалигининг бошқа меҳнатчиларининг ғайрат-шижоати баланд: улар она-Ватанга беш йил ичида жами 30 миллион тонна, шу жумладан ҳар қачонгидан кўпроқ ингичка толали пахта етказиб бериш, шоли ҳосилдорлигини 1982 йилдаёқ гектар бошига 55—60 центнерга, макка жўхори ҳосилдорлигини 80—85 центнерга етказиш, беш йиллик охиригача гўшт ва сут етиштиришни 50 процент, тухум етиштиришни 2 баравар кўпайтириш иштиёқи билан тўлиб-тошгандирлар.

Шу кеча-кундузда бутун мамлакатимиздаги каби серқуёш республикамизда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақаси тобора авж олмоқда. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, хўжалик органлари меҳнат аҳлининг диққат-эътиборини мавжуд камчиликларни туғатишга қаратмоқдаки, бунинг учун ана шу мусобақа жараёнида тежамкорлик, резервлардан омилкорлик билан фойдаланиш юзасидан майдонга чиқаётган қимматли ватанпарварлик ташаббусларни кенг қўллаб-қувватлашлари керак. Меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш соҳасида жиддий чоралар амалга оширилиши шарт.

Ҳамма жойда партиявий-ташкилий, ғоявий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш, коммунистларнинг авангардлик роли тағин ҳам ошириш керак. Коммунистлар раҳбарлик қилаётган меҳнат коллективларида белгиланган план топшириқлари ва мажбуриятларнинг ҳамма ошириб бажарилиши бошқалар учун алоҳида ибрат намунаси бўлишини сира ҳам унутмаслик керак.

Баъзи бир область, шаҳар ва район партия комитетларининг, айрим бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишида конкретлилик ва ишчанлик етишмаётганлиги билан муроса қилиб бўлмайди. Партиявий-ташкилий ишдаги камчиликларни тезда бартараф этиш, жойларда танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш, раҳбарликдаги тўрачилик, қоғозбозлик, дабдабабозлик кўринишларига барҳам бериш керак.

Бугунги кунда деҳқонларимиз олдида турган вазифалар ҳам масъулиятлидир. Партия, Ватан, халқ олдида берилган улкан ваъда — бу йил давлатга 6 миллион тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан улкан юксак мажбуриятни бажариш учун курашнинг энг долзарб палласи бошланмоқда. Экишга тўла тахт қилинган ерларга фақат сара уруғ қадаган, уни бехато ундириб олган ва ўсимликни сифатли парвариш қилган пахтакорларгагина омад ёр бўлади. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари чигит экиш кампаниясини ва бошқа баҳорги дала ишларини намунали ўтказиб, партиямизнинг озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш ишига муносиб ҳисса қўшиш ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак.

Кеча матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикадаги барча коммунистларга ва меҳнаткашларга Мурожаати эълон қилинди. Унда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистонда бўлиши пайтида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган асосий қоидалар ва кўрсатмалар батафсил баён этилган бўлиб, республика партия ва ҳукумати ишчилар, колхозчи-деҳқонлар, зиёлилар ва барча коммунистларни бу кўрсатмаларни собитқадамлик билан бажаришга даъват қилади. Шубҳа йўқки, янги ғалабаларга чорловчи бу кўрсатмалар республикамизнинг ҳар бир меҳнаткаш қалбида ғайрат-шижоат туйғусини янада янги куч билан жўш урдириб, юбилей йилида ва умуман ўн биринчи беш йилликда янги ғалабаларга эришишда йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

17 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

МЕХАНИЗАТОРЛАР АҲДИ

Республикамиз меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 112 йиллиги шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбаликка пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар москволиклар бошлаган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, бу кунни катта меҳнат байрамига айлантиришга қарор қилмоқдалар.

Тошкент область Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг меҳнатсевар деҳқонлари ҳам шанбаликда актив иштирок этиб, шу куни энг юқори меҳнат кўрсаткичига эришишга сўз бердилар. Айниқса, совхознинг илғор механизаторлари баракали иш бажаришга қарор қилдилар. Жўра Тожибоев, Ибрат Ражабов ва Истам Рустамов каби механизаторлар шанбалик кунида топшириқни икки баравар ортиғи билан бажаришга аҳд қилдилар. Эртаги сабзавот ва картошка экилган майдонларга сифатли ишлов берадилар.

Шу куни хўжаликнинг 100 нафар ишчиси эртаги сабзавотларни териб олишда иштирок этиб, савдо шахобчаларига 3 тонна редиска, кўк пиёз, карам ва бошқа маҳсулотлар жўнатадилар.

Хўжалик деҳқонлари ўн биринчи беш йиллик фондига 5000 сўмлик маблағ қўшадилар.

БОҒЛАРДА ҲАШАР

Коммунистик шанбаликда Хоразм области меҳнаткашлари ҳам актив иштирок этадилар. Жумладан, область ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасининг коллективи доҳий туғилган куннинг 112 йиллиги шарафига бўладиган меҳнат байрами кунида бажариладиган ишлар режасини пухта ишлаб чиқди. Бирлашмадаги барча совхозларнинг деҳқонлари сабзавот ва картошка майдонларида қизғин меҳнат қилиб, экинларга сифатли ишлов бериш билан шуғулланадилар. Янги тузилган тўртта узумчилик хўжалигида эса 4000 туп кўчат ўтказилади. Мавжуд узумзорларда эса дарахтларнинг тагини юмшатиш ишлари адо этилади.

Бошқарма аппарати ходимлари 5000 квадрат метр территорияда ободончилик ишларида қатнашадилар, арик ва бошқа сув йўлларини тозалаш билан шуғулланадилар.



МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

Жиззах область Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхоз кўп тармоқли хўжаликдир. Бу ерда пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа кўпгина тармоқлари ойда сайин ривожланаётир. Совхозда чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш борасида катта ишлар қилинятпи. Маккажўхори етиштиришга эътибор йилдан-йилга ортаётир.

Утган йили хўжалик деҳқонлари маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиришган эди. Совхоз азаматлари бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш учун зарбдорларча меҳнат қилишятпи.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика ишчиларига, колхозчиларига, зиёлиларига, халқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига, коммунистлар ва комсомолларига, барча меҳнаткашларига Мурожаати бизни янги меҳнат жасоратига чорламоқда, — дейди совхоз директори, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Йўлдош Зоҳидов.—Шу кунларда маккажўхори экишни қизғин давом эттиряпмиз. Сергайрат механизаторларимиз кунига кўпгина майдонга уруғ қадашяпти. Ҳозир далаларда 10 сеялка юксак унум билан ишлатиляпти. Якин кунлар ичида маккажўхори экиш тугалланади. Хўжалигимиз маккажўхорикорлари ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллиги нишонланадиган йилда ҳар гектар майдондан юз центнердан дон, 500 центнердан кўкпоя олишга азму қарор қилишди.

Совхоз миришкор деҳқонларининг шу кунлардаги зарбдор меҳнати юксак марра албатта эгалланишидан далолат беради.

Суратларда: хўжаликнинг илғор механизаторларидан Норбой Турсунов, Ҳақназар Эшпўлатов, Оллаёр Раҳимов ҳамда хўжалик далаларида маккажўхори экиш пайти.

А. Тўраев фотолари.

ЭЪТИРОФ

Октябрь қуёши балқиб, борлиқни нурафшон этган кундан бошлаб бизда ҳалол, фидокорона меҳнат қадр топди, халқ бахт-саодати, эл фаровонлиги йўлидаги юмуш эъзозланиб келмоқда. Серқуёш диёримизда ўнинчи беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалигини, жумладан пахтачиликни юксалтириш бобида жуда катта иш қилинди. Бу меҳнат ўз баҳосини топди, юксак мукофот — Ленин орденига лойиқ кўрилди.

Республикамизга ана шу олий мукофотни содиқ ленинчи, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, ишчилар, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг ғамхўр устози Леонид Ильич Брежневнинг ўзи топширди. Бу — Ўзбекистондаги ҳар бир киши учун юксак шараф! Бу улкан меҳнатнинг жуда улкан эътирофидир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев республикамиз байроғига учинчи марта Ленин ордени тақиб қўйилган куни биз, илм аҳли ҳақида жуда ажойиб гапирди: «Совет ҳокимияти йилларида ўсиб, камол топган ўзбек зиёлилари ажойиб илмий кашфиётлар ва инженерлик-техникасий ютуқлари билан, кўркам бадиий ижодиётлар билан республикамизнинг ва халқимизнинг шуҳратини оширдилар. Уларга, Совет Ўзбекистонининг фан ва маданият арбобларига шон-шарафлар бўлсин!».

Бу даъватқор сўзларни фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни кенгайтириш ва жадаллаштириш, ижтимоий ва табиий фанларнинг назарий проблемаларини ишлаб чиқишда республикамиз олимлари эришган муваффақиятларнинг эътирофи, айни чоғда янада улкан илмий изланиш ва тадқиқотларга ундовчи ҳаракат программаси деб биламиз.

З. САЛИМОВ,
Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор.

Қизғин маъқуллаймиз

Биз ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентда эълон қилган тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган Совет ҳукумати таклифларини жон-дилимиз билан қувватлаймиз. Халқаро аҳвол кескинлашган ҳозирги кунларда тинчликни мустаҳкамлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ деб ҳисоблаймиз.

Олимлар яратган барча мўъжизалар, кашфиётлар урушга эмас, тинчликка хизмат қилиши лозим. Халқлар орзуси, давр талаби мана шу!

У. ВАЛИЕВ,
З. ҲАМИДОВ,
А. СОБИРОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходимлари.

ЯНГИ МАРРАЛАРГА ДАЪВАТ

Мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш йўлида эришган улкан муваффақиятлар учун серқуёш диёримизга учинчи марта Ленин ордени топширилганлиги бригадамиз аъзоларини ғоят руҳлантириб юборди. Бу юксак мукофотни топшириш пайтида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг меҳнаткашларга ғамхўрлик билан сугорилган программ нутқи эса келгуси ишларимизга қудратли омил бахш этади.

Л. И. Брежнев ўзининг ёрқин нутқида Ўзбекистон меҳнаткашларининг, шу жумладан, пахтакорларнинг машаққатли ва фахрли меҳнатига катта баҳо берди. Шу билан бирга нутқдаги қоида ва хулосалар фаолиятимизнинг жанговар программаси бўлиб, бригадамиз аъзоларини янги зафарлар сари даъват этмоқда. Ҳозир далаларимизда баҳорги ишлар қизғин давом этяпти. Техника воситаларини экиш ишларига тайёрлаб қўйганмиз. Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилдик. Бу бизнинг СССР 60 йиллик юбилейига меҳнат совғамиз бўлади.

С. ТОШТЕМИРОВ.
Пайариқ районидаги Карл Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН— ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

«Ўзбекистон» нашриёти ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1982 йил 24 мартда Тошкентда Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқи текстини «Ленин йўлидан — янги зафарлар сари» номи билан китобча қилиб чиқарди. Китобча ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

(ЎзТАГ).

ТИПОВОЙ ЛОЙИҲАЛАРДА

Сурхондарё областининг колхоз қурувчилари, чорвачилик фермалари учун алоҳида молхоналар қуриш ишини тезкорлик билан олиб бормоқдалар. Яқинда «Обликолхозстрой» тресті қурувчилари Сариосиё районидаги «Ленинизм» колхози учун 700 жонивор ва мўлжалланган молхона қуриб бердилар. Ферма типовой лойиҳалар асосида барпо этилди.

«Узколхозстрой» бўлинмаларининг қурувчилари республикада йил бошидан бери 4 минг бош чорва боқиладиган 10 та типовой ферма қуриб бердилар. Улар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига мусобақалашиб, йил охиригача яна бир неча шундай фермалар қуриб беришга қарор қилишган.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Сурхондарё области саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини, В. И. Ленин туғилган кунининг 112 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан биринчи квартал планини муддатидан илгари, 26 мартда бажардилар.

Биринчи квартал планидан ташқари 3 миллион 100 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1982 йил 28 март № 85 Москва шаҳри.

БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1982 ЙИЛ АПРЕЛЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДАН БЎШАТИШ ҲАҚИДА ВА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги Қонунига биноан БУЮРАМАН:

1. Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатлари 1982 йил 1 июлгача тугайдиган ҳарбий хизматчилар 1982 йил апрель-июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1-бандига биноан, ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан чақириш кунигача 18 ёшга тўладиган, чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган гражданлар, шунингдек чақириқ муддатини кечиктириш фурсати ўтиб кетган чақириладиган катта ёшдаги гражданлар Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареяларда, эскадрильяларда ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри,
Совет Иттифоқи Маршали Д. УСТИНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎН САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 83-моддасига ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўн саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов 1982 йил 20 июнь, якшанба кунига белгилансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1982 йил 26 март.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИНИНГ ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИ САЙЛОВИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 163-моддасига ва «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари сайлови 1982 йил 20 июнь, якшанба кунига белгилансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1982 йил 26 март.

БАЙРОҚДОР РАЙОНЛАР

МУКОФОТ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Районимиз меҳнаткашлари 1979 ва 1980 йилларда халқ хўжалик план ва топшириқларини муваффақиятли адо этганликлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган эди. Юксак мукофотлар съездлар йилида ҳам бизни янги-янги зафарларга чорлади. Ўтган йилги иш якунларига кўра яна партия ва ҳукуматимизнинг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдик.

Дарҳақиқат, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида районимиз меҳнаткашлари барча соҳаларда юксак марраларни эгалладилар. Ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи бўлган пахтачилик бўйича эришилган ютуқлар айниқса салмоқли бўлди. Об-ҳаво ноқулай шароитида ҳам косонсойликлар 37 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етиштириб давлатга сотишди. План 112 процент бажарилиб, ҳар гектар ердан 32,7 центнердан пахта ҳосили олинди.

Районда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам муваффақиятларга эришилди. Дон ишлаб чиқариш топшириғи 188,5, картошка 223, сабзавот 114, ҳўл мева 180, узум 190, пилла 112, гўшт 100,5, тухум 106, жун 105 процент бажарилди. Чорва моллари маҳсулдорлиги ўсди. Ҳар бир сигирдан ўртача 2654 килограммдан сут соғиб олинди. Ҳар юз бош сигирдан 100 тадан бузоқ, ҳар юз қўй ва эчкидан 113 тадан қўзи ва улоқ олинди. Саноат, транспорт, қурилиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам муваффақиятлар қўлга киритилди.

Албатта, бундай зафарларга осонликча эришилгани йўқ. Косонсой Фарғона водийсининг шимолий тоғ зонасига жойлашгани учун баҳор кеч келади, қиш эрта тушади. Шу сабабли бу ернинг деҳқонлари ҳар йили бир неча марталаб табиий офатларга дуч келишади. Ўтган йили кетма-кет дўл, жала ёғиб, деярли барча пахта майдонлари зарарланди. Айниқса, август ойининг охирида ёққан қаттиқ дўл бир қатор хўжаликларнинг 7—8 тадан кўсак олиб, эндигина очила бошлаган ҳосилини ер билан яксон қилди.

Ана шундай қийин шароитда район партия комитети коммунистлар ва бутун оммани аниқ мақсад сари етаклаб, юксак мажбуриятни бажаришдек муҳим ишга уларнинг кўнглида ишонч туғдириши керак эди. Аниқроғи, сурункали ёғингарчилик туфайли ривожланишда орқада қолган қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса ғўзаларнинг ўсишини тезлаштириш, мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш, энг муҳими пахтани тез очилтириш ва теримга уюшқоқлик билан киришиш лозим эди. Партия ташкилотларидан ҳамма ерда мустаҳкам интизом бўлишини таъминлаш, раҳбар ходимларга нисбатан партиявий талабчанликни янада кучайтиришни тақозо этарди. Район партия комитети ҳар бир табиий офатдан кейин уни бартараф этиш учун шошилинч чоралар кўрди. Зарар кўрган хўжаликларга райкомнинг бюро аъзолари, ташкилотчи коммунистлар юборилди. Тажрибали кекса деҳқонлар таклиф этилиб, улар билан маслаҳатлашилди. Зарур бўлганда ўша бўлим, бригада ёки хўжаликка ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам уюштирилди.

Қишлоқ хўжалик техника ва механизмларидан рационал фойдаланилди. Райком ғўзаларнинг кечкилиги ва бошқа қўшни районларга қараганда қуёшдан 180—200 даража кам ҳарорат олганлигини эътиборга олиб август ва сентябрь ойларини ғўза парваришида зарбдор вахта деб эълон қилди. Ҳар бир механизаторни шу давр ичида 200 гектардан пахтазорни сифатли культивация қилишга даъват этди.

Сув, минерал ўғит ва ишчи кучларидан оқилона фойдаланилди. 50 центнерчи бригадалар, звенолар ҳаракати авж олди. Деҳқонларимизнинг меҳнат жасорати бир зум ҳам бўшаштирилмади. Ишлов пахта терими бошлангунга қадар давом этди. Партия ташкилотларининг жанговарлиги ва ташкилотчилиги, коммунистларнинг фидойилиги, халқимизнинг ёз бўйи тўккан пешона тери эвазига мўл ҳосил етиштирилди.

Теримга алоҳида ҳозирлик кўрдик. Мавсумнинг ҳар бир соатидан унумли фойдаланилди. Партия ташкилотлари жойларда умумий сафарбарлик ташкил этдилар. Терим суръатини оширишда механизаторлар алоҳида ибрат кўрсатишди. Улар теримни Тошкент технологияси асосида олиб боришди.

Йиғим-терим тез ва сифатли ўтказилишига «Қўқимбой», Худойбердиев номли, «Шарқ юлдузи» совхозлари, «Правда», «Коммуна» колхозлари пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар. «Дўстлик» совхозининг бригада бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Шарипов, Худойбердиев номли совхознинг Б. Ҳафизов, «Правда» колхозининг А. Саломов, Куйбишев номли колхознинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати М. Валиев каби пахта усталари ҳар гектардан 40—50 центнердан ҳосил олишди.

Меҳнатимиз партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳолангани бизни ғоятда руҳлантириб юборди. Биз юксак мукофотга яраша меҳнат қилиб, СССРнинг 60 йиллик юбилейи шарафига меҳнат беллашувини янада авж олдирамиз. Район меҳнаткашларининг митинги қатнашчилари 1982 йилда она-Ватанга 40 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга аҳд қилишди. Қашқадарёлик чорвадорларнинг қимматли ташаббусига қўшилиб, чорва моллари маҳсулдорлигини 15—20 процент кўпайтирамиз. Барча соҳалардаги план ва топшириқлар ошириб бажарилишини таъминлаймиз. Қишлоқларимизни ободонлаштириш мақсадида катта ҳажмда капитал қурилиш ишлари бажарилади. Буларга коммунистларнинг авангардлигини ошириш, ўрта звено кадрлари билан ишлашни такомиллаштириш, партиявий-ташкилий ишларни янада авж олдириш, пахтачиликни интенсив ривожлантириш бўйича КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш орқали эришамиз.

С. КАРИМОВ,
Косонсой район партия комитетининг биринчи секретари.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ 60

ВИЛЬНЮС

Вильнюсда очилган виставкада Мексика архитектураси кўрсатилмоқда. Икки юздан кўп экспонат шу мамлакат меъморчилигининг кўп асрлик тарихи тўғрисида ҳикоя қилади, замонавий шаҳар қуриш принципларини кўрсатади. Икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорлик программасига мувофиқ ташкил этилган виставка май ойининг охирларида бошқа шаҳарларга юборилади.

ЛЕНИНГРАД

«Звезда» бирлашмасида 5600 киловатт қувватли дизель электр станциялар тайёрлаб чиқарила бошланди. Ҳар бир шундай автомат агрегат посёлка ёки қурилишни энергия билан таъминлаб тура олади.

(ТАСС).

СОВҒАЛАР КЎРГАЗМАСИ

В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида «Меҳнаткашларнинг музейга совғалари» кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Улуғ Лениннинг ҳаёти, ишлари ва номи билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси муқаддасдир» деган сўзлари билан очилади. Кўргазмага қўйилган ранг-баранг совғалар меҳнаткаш халқнинг Ильичга бўлган сўнмас муҳаббати, ленинизм ғояларига садоқатининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон пойтахтида В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали очилгандан буён унга ўн мингга яқин совға топширилди.

Мазкур кўргазмадан ўрин олган тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари, китоблар, кашта ва медаллар ленинизмнинг ҳаётбахш ғоялари бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалиб бораётганлигидан далолат беради. Совғаларда республикамиз барча район ва областлари, Иттифоқимиздаги шаҳарларнинггина эмас, балки Ер куррасидаги барча қитъалар, Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги ўнлаб давлатлар номини учратамиз.

Оддий ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг ишдан бўш вақтларида В. И. Ленин сиймосини бадиий бўёқларда, кашталарда, ўймакорлик санъатида яратиш учун интилишлари уларнинг буюк инсонга бўлган меҳр-муҳаббатлари қанчалик юксак эканлигини кўрсатиб турибди.

Пойтахтдаги 31-темир йўл билим юрти ўқувчилари занглламайдиган пўлатдан тайёрлаган бадиий композиция — Пролетариатнинг двигатель кучи деб аталади. Ер шарига ўрнатилган двигателнинг ричаг ва регулятори турли мамлакатларда, турли даврларда пролетариатнинг кучини ифодалайди. Мана шундай ҳайкал Ўрта Осиёда биринчи бўлиб 1924 йилнинг 7 ноябрида Улуғ Октябрнинг 7 йиллигига бағишлаб Октябрь революцияси заводи ҳовлисида очилган эди. Томошабин диққатини ўзига жалб этадиган бир-биридан нафис, бир-бирини такрорламайдиган ажойиб экспонатлар орасида В. П. Малишев михдан ишлаган доҳий портрети алоҳида ажралиб туради. Ўртоқ Малишев шаҳримизда истиқомат қилади. У «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилгандан кейин пенсияга чиқди, Бўш вақтларида эса мана шундай ноёб ва мураккаб асарлар устида меҳр билан ишламоқда. Яқинда ҳаваскор рассом изоляция материали сифатида ишлатилувчи гранулалардан К. Маркс ва В. И. Ленин портретларини яратиб, музейга топширди. Совғалар орасидаги доҳий ҳақида нашр этилган митти китобчаларни айтмайсизми? Карл Маркс ва Фридрих Энгельс. «Коммунистик партия манифести». Немис тилида. Германия Демократик республикаси меҳнаткашларидан. «Ленин Прагада». Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларидан...

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи В. Васильчиков каттақўрғонлик шогирдлари билан доҳий сиймосини чинорга ўйиб ишлаган. Бу асар «Ленин орзу қилмоқда» деб аталади. Украина ССРнинг пойтахти — Киев шаҳри меҳнаткашлари томонидан Лениннинг каштага тикилган портрети тортиқ этилган. Кахрабонинг ўн хилидан ясалган доҳий портретини эса Литва ССР меҳнаткашлари делегацияси совға қилиб олиб келганди. Диёримизда билим олаётган ҳиндистонлик студентлар Лениннинг қамишдан ясалган портретини, доҳийнинг мозаикадан ишланган улкан портретини эса француз скульптори ва рассоми Надежда Леже совға қилган.

... Музей фонди қимматбаҳо совғалар билан тўлиб, бойиб бормоқда. Ҳозирда улар 10 мингга яқин. Бу совғалар халқимизнинг доҳий Ленинга бўлган чексиз ҳурмат ва муҳаббатининг рамзи бўлиб, музей залларини яшнатиб туради.

Г. ЭРГАШХЎЖАЕВА.

Шу кунларда Тошкент метрополитенининг иккинчи навбати қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Қурувчилар бу ерда суръатга суръат қўшиб ишламоқдалар. Ҳозир янги қурилаётган станцияларда ишлар тезкорлик билан олиб борилляпти. Суратда: «Метрострой» трестига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг илғор пайвандчиси К. Морохов.

А. Тўраев фотоси.

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ЖИЛОВЛАНСИН

Уруш хавфига қарши, кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ва тинчликсевар кучларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш учун ҳаракатларни янада активлаштириш юзасидан совет тинчлик тарафдорларининг вазифалари Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг 26 март куни Москвада, Союзлар уйининг Октябрь залида бўлиб ўтган пленумида муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев пленумда нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. У «Правда» газетасининг сиёсий обзорчиси Г. А. Жуковни Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси этиб сайлади.

Сўнгра Г. А. Жуков Совет тинчлик тарафдорларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Пленум қатнашчилари резолюция қабул қилиб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездида ва Тошкентдаги тантаналарда ўртага қўйган муҳим тинчлик ташаббусларини қизғин табрикладилар ва маъқулладилар.

(ТАСС).

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ БУЮК ҚАРДОШЛИГИ

Улуғ айём — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги яқинлашган сайин унинг шонли солномасига янги-янги зафарлар ва воқеалар ёзилмоқда. Мамлакатимиз халқлари ўз байрамини зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазиятида кутиб олмоқдалар. Партия XXVI съезди қарорларини ўзларининг жонажон иши деб қабул қилган совет кишилари ўз кучларига қаттиқ ишонч билан, ўн биринчи беш йилликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг мураккаблигини ҳам, улуғлигини ҳам равшан тушунган ҳолда олға бормоқдалар. Барча республикаларнинг меҳнаткашлари коммунизм сари янада олға силжишнинг партия белгилаб берган программасини завқ-шавқ билан бажармоқдалар.

Республикаларнинг меҳнат коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига вахтада туриб, оширилган мажбуриятлар қабул қилмоқдалар, «Ҳар бир меҳнат ҳафтасида зарбдорларча ишлайлик!» деган шиор остида мусобақалашмоқдалар. БАМ тоннелсозлари шонли юбилей шарафига йилнинг асосий вазифаларини бажаришга ва қўшимча равишда 200 минг сўмлик ишни уддалашга қарор бердилар. «Қарағанда» шахтасининг кончилари ҳар ҳафтада пландан ташқари бир минг тонна ёқилғи қазиб чиқариш мажбуриятини олдилар. Молдавия деҳқонлари бу йил давлатга 802 минг тонна дон, 3 миллион 600 минг тонна қанд лавлаги, кўп миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишни планлаштирдилар. Бундай мисоллар жуда кўп, улар эса республикаларнинг меҳнаткашлари халқлар дўстлиги байрамини кутиб олар эканлар, ўз ишларини мамлакатимиз яхлит социал-иқтисодий организмининг бутун ҳаёти билан, партия белгилаб берган коммунистик қурилиш режалари билан қайта-қайта таққослаб бораётганликларидан дарак беради.

Юздан ортиқ тенг ҳуқуқли миллат ва элатларни, миллий ва этник группаларни бирлаштириб турган Совет Иттифоқи меҳнат аҳлининг буюк қардошлигидан иборатдир. Социализм туфайли юзага келган ҳамда ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг манфаатлари ва мақсадлари, хоҳиш-иродаси ва ҳаракатлари бирлигига асосланган мана шу интернационал қардошлик улар бунёдкорлик ижодининг битмас-туганмас манбаларидан биридир.

Коммунизм идеалларига садоқат, дўстлик, ўзаро ёрдам, ўртоқлик сингари ажойиб фазилатлар совет кишиларида турмушимизнинг бутун уклади билан ривожлантириб борилмоқда. Социалистик бунёдкорлик жараёнида туғилган бу фазилатлар янги-янги ишлар ва зафарларда мужассамлашмоқда. Бу фазилатлар дастлабки беш йилликнинг қурилишларида, мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революция давомида, революция ғалабаларини ҳимоя қилишда ривожланиб камол топди. Бу фазилатлар етук социализм шароитида, коммунистик қурилишнинг янада мураккаб вазифаларини ҳал этиш учун курашда мустаҳкамланмоқда.

Совет кишиларининг бир ёқадан бош чиқариб қилган ҳаракатлари, уларнинг зарбдор иши натижасида СССР социал-иқтисодий тараққиётнинг янги марраларига чиқди. Партия XXVI съездидан кейин ўтган бир йил ичидагина 200 тага яқин йирик давлат саноат корхонаси ишга туширилди. Миллий даромад 14 миллиард сўм миқдорида кўпайди. Бултур 120 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилди. КПСС мамлакатнинг моддий имкониятларини кўпайтириш билан бирга шарқий районлардаги бунёдкорлик ишлари жабҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Бу районларнинг бойликларини ўзлаштириш мамлакатдаги барча халқларнинг куч-ғайратларини марказлаштиришни талаб қилади.

Барча республикалар ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг қардошларча ҳамдўстлиги бўлмаса, улар биргалашиб меҳнат қилмаса ва ўзаро ёрдамлашмаса шитоб билан олға силжий олмаган бўлур эдик. Совет меҳнаткашларининг кучайиб бораётган бирлигида ҳар бир кишининг ва коллективнинг бунёдкорлик ғайрати, ижодий қобилиятлари ғоят тўла-тўкис намоён бўлмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети якунлаган Бутуниттифоқ мусобақасининг натижалари бунинг яққол далилларидан биридир. 1620 коллектив ғолиб деб топилиб, кўчма Қизил байроқлар билан мукофотланди, шу жумладан 765 коллектив СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди.

Совет Иттифоқи — ҳаммамизнинг умумий уйимиз, зотан, биз ҳаммамиз қайси миллатга мансублигимиздан қатъи назар ундаги ишлар учун, бу уйда меҳнат аҳлининг қардошлиги мустаҳкамланиши учун баббаравар жавобгармиз. Ўн биринчи беш йилликда ва умуман ўн йилликда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг XXVI съезд қабул қилган программасини бажариш ҳар бир коллективнинг, ҳамманинг ва ҳар бир кишининг, ҳар бир кишининг ва ҳамманинг бош вазифасидир. Гражданлик бурчлари, шахсий, миллий ва интернационал манфаатлар меҳнатда узвий равишда қўшилиб кетмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширишга бағишланиб Тошкентда ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида кўп миллатли мамлакатимиз шароитида ҳозирги интернационализм — аввало ундаги барча халқларнинг бутун куч-қувватини сарфлаб ҳалол, виждонан меҳнат қилишидан, умумдавлат манфаатларини маҳкамачилик, маҳаллий манфаатлардан юқори қўйиш маҳоратидан, яхлит халқ хўжалиги комплексининг пухта ишлашини таъминлашдан, республикалараро мол етказиб бериш мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажаришдан, ўз ресурсларидан максимал равишда фойдаланишдан, экономикани юксалтириш ва бутун халқнинг фаровонлигига алоқадор проблемаларни ҳал этишда актив қатнашишдан иборат эканини яна бир бор эслатиб ўтди.

Коммунистик қурилиш вазифалари кўлами йил сайин кенгайиб борган сари барча меҳнат кишилари ўртасидаги муносабатлар кўпроқ даражада ўзаро боғланган ва ўзаро масъулиятли бўлишини талаб этилади. КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш учун курашда партия коммунизм бунёдкорларининг ҳамкорлиги янада ҳар томонлама ва чуқурроқ тус олишига, бу ҳамкорликнинг янги-янги формалари ва методлари юзага кела беришига интилмоқда. Бу эса партия комитетлари, касаба союз, комсомол, хўжалик ташкилотлари зиммасига меҳнатнинг ҳар қандай соҳасида совет кишиларининг муштарак ишларимиз тўғрисидаги кучли ғамхўрлик туйғусини ривожлантириш, ҳар бир республиканинг ва бутун мамлакатнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушадиган вазифаларни ҳал этиш учун сабот билан курашиш вазифасини юклайди.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган совет миллатлари ва элатлари биргаликда меҳнат қилиб, ижодий активликни кучайтириб, шу тариқа ўз қардошлиги ва дўстлигининг буюк кучини, жонажон партия теварагида жипслашганликларини намойиш этмоқдалар. Янги дунё кашшофларининг ҳамдўстлигини янада кучайтираётган КПСС уларни Ленин йўлидан, коммунизм сари бошлаб бормоқда.

(«Правда» газетасининг 27 мартдаги бош мақоласи).

Республикамиз бўйлаб

ҲОСИЛДОРЛИК ОРТАДИ

Боғот районидаги «Коммуна» колхози меҳнатчилари шу кунларда Қорақумдаги яйловлардан ва чорвачилик фермаларидан маҳаллий ўғит таший бошладилар. Бу ўғитлар пахта далаларига, маккажўхоризорларга келтириляпти. Хўжаликда ташкил этилган махсус механизациялаштирилган бригада бу ишни амалга оширяпти. Ҳозир бу бригадада ўнта автомашина, 15 та прицепли трактор бор. Кунига 200 тоннадан ортиқ органик ўғит далаларга ташиляпти. Бу маҳаллий ўғитлар экиш пайтида ҳам, ёзда шарбат оқизиш пайтида ҳам қўл келади. Хўжалик азаматлари СССР 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мусобақасига қўшилиб муайян ютуқларни қўлга киритишяпти. Далаларни экишга ҳозирлаб қўйишди. Техникани тайёргарлик чизиғига териб қўйишди. Колхоз пахтакорлари юбилей йилида мавжуд минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» кўтаришга аҳд қилишди.

ТЕХНИКА ЁРДАМИ

Паркент районидаги «Паркент» совхоз-заводи токзорларида кўкламги ишлар авж олиб кетди. Ҳозир ток очиш ишлари амалга ошириляпти. Бу сермеҳнат жараён 20 та пневмоагрегат ёрдамида бажариляпти. Механизаторлар юқори меҳнат унумдорлигига эришишяпти. Улар токларни атиги ўн кун ичида очиб бўлишга аҳд қилишган. Совхозда узумчиликни механизациялашга алоҳида эътибор беряляпти. Бу йил кўпгина сермеҳнат жараёнлар техника ёрдамида бажарилади. Бунинг натижасида етиштирилган ҳар бир центнер узумнинг таннархи уч сўм арзонлаштирилади.

МАКТАБНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Хўжайли район марказидаги Крупская номли мактаб ўқувчилари 420 ўринли янги ўқув корпусига эга бўлдилар. Йирик мактаб комплексининг янги биноси ишга тушди. Бу комплексни «Тахиаташгидроэнергострой» бошқармаси барпо этмоқда.

Актив йиғилиши

ФАРҒОНА, 27 март. (ЎзТАГ). Фарғона область партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган йиғилиши қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарорини бажаришга доир тадбирларни муҳокама қилдилар. Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров доклад қилди.

Йиғилиш атеистик тарбиянинг аҳволи ва уни КПСС XXVI съезди қарорлари асосида янада кучайтириш йўлларини ҳам муҳокама қилди.

ҚУВВАТЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ИШГА ТУШСИН

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

«Совет Ўзбекистони» зарбдор қурилишларда

Қашқадарё областининг Шаҳрисабз райони марказидан Мироқи посёлкасига тўғри йўл кетган. Шу йўлдан юрсангиз республикамизнинг йирик зарбдор қурилишларидан бири — Ҳисорак сув омборига бориш мумкинлигига ақл бовар қилиши қийин. Чунки, бизнинг тасаввуримизда шу хилдаги объект қурилаётган жойнинг чор-атрофи асрлар бўйи сувсизликдан ҳансираб ётган пўрсилдоқ ерлардан иборат бўлиши керак. Лекин бу ерда-чи? Очиғи, унинг манзараси бошқа жойларникига ўхшамайди. Тўғри, ҳозир бу атрофлар унчалик чиройли кўринмаслиги мумкин. Аммо ёзда келсангиз, гўзал боғ-роғлар, ям-яшил далалар, бепоён пахтазорлар, хушбўй полизлар, чароғон қишлоқлар кўзингизни қамаштиради. Шундай ажойиб масканлан сал нарида эса бир қултум сувга ташна ерлар борлигига ишонмайсиз. Афсуски, бор. Уни обиҳаётга тўйдириш учун бағрига 170 миллион кубометр сувни сиғдира оладиган улкан сув омбори бунёд этилмоқда. Мақсад — 12 минг гектар майдонни суғориш ва қўшимча 43 минг гектар экинзорнинг сув таъминотини яхшилашдан иборат. Қашқадарё сув омбори таъсир кўрсатадиган зонадаги ерлар унумдорлиги бўйича областда энг яхши ҳисобланади. Бу ерлар ўзлаштирилгач, йилига қўшимча 50 минг тонна «оқ олтин» ҳосили олинади.

Менинг биринчи учрашувим ҳам йўлда юз берди. Биз 2-қурилиш бошқармаси мастери С. Ўринов билан «Гиссарақгидрострой» бошқармасининг саноат базаси ёнидан жилганимиздан сўнг, у кутилмаганда ҳайдовчидан машинани тўхтатишни илтимос қилди:

— Бу ерда энг яхши бригадаларимиздан бири — Мэлс Яхшиевнинг йигитлари ишлашяпти. Ажойиб бетончилар. Ҳар куни смена нормасини 15—20 процент ошириб дўндиришяпти, азаматлар!

Мастернинг ҳақлилигига қурилиш объектида бир неча кун бўлиб, қурувчилар, монтажчилар меҳнати билан чуқур танишганимдан сўнг яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Коллектив бунёд этаётган йўл шундоққина тўғон ёнига бориб тақалган. Бригада аъзолари тўғон асосига ҳадемай соз тупроқ ётқизилиши кераклигини яхши билишар, шунинг учун кеча-ю кундуз тиним билмай ишлашарди. Бригаданинг С. Суяров, Ю. Бойсунов, Н. Шоймимов каби ветеранларининг:

— Ҳа, йигитлар, бўш келманглар! — деган хитоблари ёшлар кучига-куч қўшар, уларни бошқалардан ортда қолмасликка даъват этарди.

Ҳисоракда қолоқ бригадаларни учратиш қийин. Тўғрироғи, уларнинг ўзи йўқ. Чунки мазкур объектда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев яқинда Ўзбекистонда бўлган чоғда берган йўл-йўриқлари, кўрсатмалари ҳамда билдирган фикр-мулоҳазаларига қатъий амал қилиняпти.

Бинокорлар объектнинг республика халқ хўжалигида тутадиган ўрни ниҳоятда муҳимлигини ҳис қилишиб, ҳозирдаёқ сарфлаган меҳнатларининг дастлабки самарасини кўришмоқда. Чунончи, гидроузел биринчи навбатининг фойдаланишга топширилганлиги эвазига ўтган йили Шаҳрисабз ва Китоб районларидаги 10 минг гектар пахта майдонининг сув таъминоти яхшиланди. Натижада ҳосилдорлик 10—15 центнер кўтарилди.

Ҳисоракда Ҳ. Санаев етакчилик қилаётган коллектив тўғрисида кўп гапиришди. Ҳайитқул Ҳисоракда 1977 йилдан бери меҳнат қиларкан. Орадан икки йил ўтгач, комплекс бригадага бошчилик қилишни ишониб топширишибди. Шу кунларда коллектив пайвандлаш ва дурадгорлик ишлари билан шуғулланмоқда. блокларни бетонлашга тайёрламоқда. Унинг ёнида Абдужалил Тўраев бошчилигидаги бетончилар бригадаси тер тўкяпти. Мазкур иккала бригада биринчи яруснинг сув қабул қиладиган қисмини, фойдаланишга топшириладиган сўнгги иншоотини ва бошқа масъулиятли объектларни биргаликда ишга туширишди. Шуниси қувончлики, уларнинг ҳаммаси давлат комиссияси томонидан «аъло» баҳога қабул қилиб олинди. Бундай ютуққа коллективлар ўртасидаги ўртоқларча меҳнат рақобати, шунингдек, пайвандчилардан А. Редкин, У. Ўроқов, дурадгорлардан Д. Неъматов, З. Муродов, бетончилардан И. Туропов ва Ю. Холовларнинг юксак касб маҳорати олиб келди.

Биз тилга олган бригадаларнинг иш жойидан сал нарида, тик тепаликлар ўртасида равоқ кўзга ташланади. Бугунги кунга келиб унинг баландлиги лойиҳадаги 140 метрнинг 49-метрига етди. Тўғон асосига қарийб миллион кубометр оҳак тўкилди. Бинокорлар ушбу муваффақиятни тош қазиб чиқариш карьерида зарбдор суръатлар билан ишлаётган 1-ихтисослашган кўчма механизациялашган колонна экскаваторчилари билан баҳам кўришяпти. Карьердаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Амир Раҳметов ва Дмитрий Зозулялар раҳбарлик қилаётган экипажлар ҳар ойда 80 минг кубометрга яқин тоғ жинси ортиб, ўзаро социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Тошларни объектга ўз вақтида етказиб беришда хўжалик ҳисобидаги 27-автотранспорт корхонасининг Неъмат Бойкелдиев, Қўчқор Узоқов сингари бир қанча шофёрлари жонбозлик кўрсатишмоқда. Тош карьери — тўғон конвейерининг бир маромда тўхтовсиз ишлаётганлигида уларнинг ҳиссаси катта.

Ёрдамчи пудратчи қурилиш ташкилотларининг умум ишига қўшаётган улуши салмоқли бўлаётир. Чунончи, Ленин орденли Бутуниттифоқ «Гидроспецстрой» бирлашмасининг ихтисослаштирилган Ўзбекистон бошқармасига қарашли В. Лавряков бошлиқ бригадани олайлик. У муддатидан бир йил олдин бир километрдан зиёд масофада қурилиш-эксплуатация тоннелини қазиб, 28 минг кубометр бетон ётқизишга эришди. Ушбу коллектив қўлга киритган катта зафар туфайли сув омборида мўлжалдагидан анча барвақт обиҳаёт жамғариш ҳамда унинг бир қисмини суғориш учун ажратиш имкони туғилди. Катта прораб В. Пономарев раҳбарлигида миллион кубометрдан ортиқроқ қоялар портлатилганлигини, шунинг эвазига тўғонга узлуксиз равишда тошлар ташланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

«Гиссарақгидрострой» бошқармаси ишчилари, қурувчи-монтажчилари ва инженер-техник ходимлари сув омборини белгиланганидан бир йил олдин, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигигача қуриб битказишга аҳд қилганликларини фахр билан сўзлаб беришди. Улар зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан адо этишмоқда. «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остидаги мусобақа муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Тўғон ҳам бўйига, ҳам узунасига кенгайиб бормоқда. Сув омборида 20 миллион кубометрдан ортиқ обиҳаёт тўпланди. У тўла-тўкис битказилганда 170 миллион кубометр сувни ўз сийнасига сиғдира олади. Биз юқорида ўтган йили Ҳисорак сув омборининг суви Қашқадарё области далаларига оққанини ҳикоя қилган эдик. Демак, сарфланаётган капитал маблағлар, қурилишда қатнашаётган барча кишиларнинг фидокорона меҳнати ўз самарасини кўрсатмоқда. Энг муҳими ҳам ана шу.

В. СЕРГЕЕВ,
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги матбуот маркази мухбири.

ЭЛ ДАРҒАСИ

Янги қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар

1964 йил январь ойининг аёзли кунларидан бири эди. Охунбобоев номли колхоз бош бухгалтери Абдулла Олимовни район партия комитетига чақириб қолишди.

Абдулла ака биринчи секретарнинг кабинетига кириб борганида у бюро аъзолари билан суҳбатлашиб ўтирарди. У ёшуллилар билан бир-бир сўрашиб, чеккароқдаги стулга омонатгина ўтирди.

— Аҳволларингиз қалай, соғлиқларингиз яхшими, уйдагилар тинч-омонми, — деди район партия комитетининг биринчи секретари Қосим Нуримбетов уни яқинроқ ўтиришга таклиф қилиб.

— Раҳмат, раҳмат! — дейишдан бошқа сўз тополмади у.

— Хабарингиз бор, «Қирққиз» массивида анчадан буён чўл билан олишиб келяпмиз. Канал қазилиб сув келтирилди. Пахта ва бошқа экинлар экиб, ҳосил ҳам оляпмиз. Лекин бу ишимиздан кўнглимиз тўлмаяпти. Шунинг учун чўлда янги колхоз ташкил қилмоқчимиз. Район партия комитетининг бюроси сизни шу хўжаликка раисликка тавсия қиляпти. Шунга нима дейсиз, розимисиз?

Секретарнинг кутилмаган бу таклифига у босиқлик билан жавоб берди.

— Оддий бир бухгалтерман. Ҳисоб-китобдан бошқа иш қўлимдан келмаса керак, деб ўйлайман.

— Янги ерга сизга ўхшаган ҳисоб-китобни биладиган раҳбар керак бўляпти. Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган иқтисодчисиз. Самарадорликни, колхоз ва колхозчиларни қандай қилиб оёққа турғизишни жуда яхши биласиз. Бизнингча, ер тилини, одамлар дилидагисини топишга ҳам устасиз. Ташкилотчилик қобилиятингиз ҳам йўқ эмас. Билмаганларингизни аста-секин ўргана борасиз. Бу борада сиздан ёрдамни аямаймиз.

Бошқа бюро аъзолари ҳам шу фикрни тасдиқлашди. Коммунист — партия солдати. Шунинг учун ҳам у ортиқча қаршилик кўрсатишни ўзига эп кўрмай, «Ишончларингиз учун раҳмат Уни оқлашга бор куч ва билимимни сарфлайман», деди.

Абдулла Олимовнинг номзодини янги ташкил қилинган «Қирққизобод» колхози меҳнаткашлари ҳам бир овоздан маъқуллашди.

У ишга дадил киришиб кетди. Хўжалик аҳволини яхши ўрганди. Ҳар бир юмушни мутахассислар, тажрибали деҳқонлар билан бамаслаҳат олиб борди. Бир вақтнинг ўзида ҳам агроном, ҳам инженер, ҳам қурувчи, ҳам бухгалтер бўлиб ишлашга тўғри келди. Унгача колхозларнинг тарқоқ участкалари бўлган бу ерда ҳосилдорлик 10—12 центнердан ошмаганди. Даромад кам, колхозчиларнинг турмуш шароити ҳам шунга яраша эди. Бу аҳволдан пахта ҳосилини, чорва маҳсулдорлигини оширмай чиқиб бўлмаслигини янги раис яхши тушунарди.

Ҳосилдорликни ошириш учун эса хўжаликка кўплаб техника, минерал ўғит, улар учун гараж ва омборхона қуриш, бунинг учун эса қурилиш материаллари сув-ҳаводай зарур эди. Колхозда бўлса бир чақа ҳам йўқ. Қандай қилганда бу қийинчиликни енгиб ўтиш мумкин? Ана шунда раиснинг бухгалтерлик ихтисоси, кўп йиллик тажрибаси асқотди.

— Давлатдан қайтариб бериш шарти билан узоқ муддатга пул қарз олсак, нима дейсизлар? — деди у шу кунларнинг бирида колхоз активларини тўплаб.

— Жуда маъқул иш, — дейишди ҳамма активлар. Ўша йили давлат банкасидан олинган маблағга энг зарур техника, наслдор моллар, қурилиш материаллари сотиб олинди. Янги ерлар очилиб, 4—5 километр узунликда зовур қазилди ва ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бригада ва фермалар тажрибали мутахассислар билан мустаҳкамланди. Район раҳбарлари ҳам ёрдамларини аяшмади.

Раиснинг бу тадбиркорлиги ўз самарасини бермай қолмади. Ўша йили ҳар гектар ердан 18,2 центнердан «оқ олтин» етиштирилиб, давлат омборига 3517 тонна чўл дурдонаси тўкилди. Чорвадан, деҳқончиликнинг бошқа соҳаларидан олинган ҳосил, маҳсулотлар ҳам чакки бўлмади. Умумий даромад 1,3 миллион сўмни ташкил қилди. Колхоз ҳам, колхозчилар ҳам қаддини ростлади. Давлатдан олинган қарзнинг бир қисми шу йилиёқ қайтариб берилди. Икки йилдан сўнг қолган қарзнинг барчаси узилди.

Кейинги йилларда ҳам колхозда барча тармоқ баравар ривожланиб борди. Пахта ҳосилдорлиги ошди. Тўққизинчи беш йилликда эришган муваффақиятлари учун колхоз икки марта Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби деб топилди ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. Ўзбекистон ССРнинг «Меҳнат шуҳрати» китобига ёзилди.

Ўнинчи беш йилликда давлатга 26,7 минг тонна, яъни пландагидан 3,5 минг тонна кўп қўриқ «оқ олтин»и етказиб берилди. Ҳар гектар ердан йилига ўртача 43 центнердан ҳосил олинди. Рентабеллик 1964 йилдаги 15 процентдан 35 процентга ўсди. 400 гектар янги ер ўзлаштирилди. Давлатга гўшт, сут, тухум, пилла, дон, мева, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари сотиш планлари ҳам ошиғи билан адо этилди.

Раис шу давр ичида ўзининг ишбилармонлиги, камтарлиги билан каттадан кичикнинг ҳурматига сазовор бўлди. 462-Қирққиз сайлов округи сайловчилари унга катта ишонч билдириб, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайлашди. Депутат ташаббуси билан колхоз қишлоғини бош план асосида қайта қуришга киришилди. Қисқа вақт мобайнида кўплаб жамоат ва турар жой бинолари қад кўтарди. Замонавий усулда қурилган икки қаватли колхоз идораси, иккита болалар боғчаси ва яслиси, иккита ўрта мактаб, касалхона, кутубхона бинолари қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Шунингдек беш юз бош қорамолга мўлжалланган молхона, ўн минг парранда сиғадиган товуқхона, дала шийпонлари, теплица қурилиб фойдаланишга топширилди. Ички йўлларга асфальт ётқизилди.

Колхоз пахтакорлари қутлуғ съездлар йилида мўл ҳосил етиштирдилар, 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 47 центнердан юқори сифатли пахта хирмони кўтардилар. Ҳосилнинг 60 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Ўтган йили давлатга гўшт, пилла сотиш бўйича икки йиллик план бажарилди. Сут, тухум, мева, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари сотиш планлари ошиғи билан адо этилди.

Колхоз ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида эришган муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. Пиллачиликдаги ютуқлари учун эса Қорақалпоғистон область партия комитети, автоном республика Министрлар Совети, область касаба союзлари ташкилоти, ЎзЛКСМ область комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Колхоз меҳнат аҳли ана шу юксак мукофотлар руҳи билан юбилей йили кўкламги экиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўраётган бир пайтда мамлакатимиз бўйлаб янги хушхабар таралди. Республикамизнинг бир группа илғор пахтакорлари қатори Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхози раиси Абдулла Олимовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Энди унинг кўксидаги Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари қаторига яна бир Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали тақиб қўйилди.

Колхоз чўлқуварлари СССРнинг 60 йиллиги юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга пухта ҳозирлик кўряптилар. Уларнинг аҳди ҳосилдорликни 60 центнерга етказиб давлатга 7200 тонна пахта, кўплаб чорва ва деҳқончилик маҳсулотлари сотишдир. Бу шарафли вазифаларнинг бажарилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Негаки, эл бошида колхоз ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Олимовдай дарғалари бор.

Б. ДУСЧОНОВ,
О. ХУДОЙБЕРГАНОВ.
Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЗАФАР САТРЛАРИ

Беруний райони чорвадорлари СССРнинг 60 йиллик юбилейига катта меҳнат совғалари ҳозирламоқдалар. Улар давлатга пландаги 598 тонна ўрнига 825 тонна гўшт топшириб, биринчи квартал планини 137 процент адо этдилар.

Шунингдек, район паррандабоқарлари ҳам давлатга 713 минг дона тухум топшириб, дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар.

●

Ангор районидаги «Топлимарон» совхозиң паррандабоқарлари ҳам дастлабки муваффақиятга эришдилар. Қабул пунктларига 120 минг ўрнига 121 минг дона тухум етказиб бериб, ярим йиллик планни муддатидан илгари бажардилар.

Совхоз паррандабоқарлари йил охиригача яна 180 минг дона тухум топшириш учун социалистик мусобақани қизғин давом эттирмоқдалар.

●

Яккабоғ район паррандабоқарлари қабул пунктларига 1 миллион 500 минг дона ўрнига 1 миллион 650 минг дона тухум етказиб бериб, биринчи квартал планини бажардилар. Бу ўтган йилнинг шу даврадагига нисбатан 150 минг дона кўпдир.

МАККАЖЎХОРИ— ПАҲЛАВОН ЭКИН

Кейинги йилларда «каҳрабо дон» етиштиришга алоҳида эътибор берилиб, маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар, бўлим ва бригадалар сони тобора кўпайиб бормоқда. Маккажўхори донини кўпайтириш мақсадида энг яхши ерлар ажратилиб берилаётир. Кўплаб коллективлар дон етиштириш бўйича планларнигина эмас, балки оширилган социалистик мажбуриятларини ҳам бажаришга эришмоқдалар. Аммо ҳосилдорликни оширишда қийналяпмиз, гектар бошига олинган ҳосил 60 центнердан кўпаймаяпти деб баҳона қиладиган коллективлар ҳам йўқ эмас. Уларга айтадиган гапимиз шу. Ким ерни алдаса ўзини алдайди. Қўл учида номига меҳнат қилса, ҳосилдорликни оширишга қизиқмаса, ҳосилдорлик кўпаймайди. Балки камаяди. Бригадаларда ишёқмас, лангаса одамларга ўрин бўлмаслиги лозим. Маккажўхори ғўза каби парваришни севадиган экин.

Мен саккиз йилдан бери маккажўхоричилик бригадасига раҳбарлик қилиб келмоқдаман. Бригадамиз аъзолари кейинги 5—6 йилдан бери гектар бошига 110—120 центнердан «каҳрабо дон» етиштириб, районда рекорд кўрсаткичга эришмоқда. Ўтган йили 60 гектар маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан 120 центнердан «каҳрабо дон» етиштириб, ялпи хирмонни 720 тоннага етказдик.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ишни яхши тайёргарлик билан бошлаб юбордик. Маккажўхори экиладиган майдонларнинг шўри кузда ювилди ва қондириб суғорилди. Шу кунларда маҳаллий ўғит жамғариш қизғин давом эттирилмоқда. Фермалардан, қўралардан маҳаллий ўғит ташишда икки трактор тележкаси икки сменада ишлаб турибди. Ҳар гектар ерга 35—40 тоннадан маҳаллий ўғит солдик. Экиш пайтида, қатор ораларига ишлов бериш вақтида яна гектар бошига 20—25 тоннадан маҳаллий ўғит берамиз.

Маккажўхори ҳам дон, ҳам чорва учун тўйимли озуқа. Маккажўхори дони ва пояси қанча мўл бўлса, чорвачиликни ривожлантиришга шунча кўп ҳисса қўшган бўламиз. Шу мақсадда маккажўхори экиладиган майдонларни тобора кўпайтиряпмиз. Бу йил маккажўхори экиладиган майдонларимиз 20 гектарга кенгайтирилди. 80 гектар ерга маккажўхори экиб, ҳар гектаридан 120 центнер ҳосил олишни кўзлаб меҳнат қиляпмиз.

Ширин ЮСУПОВА.
Қорақалпоғистон АССР, Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Янги корпуслар

Андижон районида қурилаётган паррандачилик комплексида бешта корпус белгиланган муддатидан бир ой илгари фойдаланишга топширилди. Бу — «Облколхозстрой» трестига қарашли Андижон колхозлараро механизациялашган кўчма колоннадан Пўлатжон Қосимов ва Ҳакимжон Абдураҳмонов бошлиқ хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадаларнинг зарбдорона меҳнати натижасидир. Бу коллективлар «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бир беш йилликда ўн йиллик планни бажариш мажбуриятини олдилар.

П. Қосимов ва Ҳ. Абдураҳмонов бошлиқ бригадалардаги ҳар бир қурувчи икки-учта турдош касбларни эгаллашган. Коллективлар йирик чорвачилик ва паррандачилик комплексларини барпо этиш соҳасида бой тажриба тўплаган, тайёр темир-бетон конструкциялардан қурилишда моҳирлик билан фойдаланмоқда, қурилиш техникасини унумли ишлатмоқда. Буларнинг ҳаммаси ана шу коллективларга лойиқ топшириқларни 2—2,2 баравар ошириб бажариш имконини бермоқда. (ЎзТАГ).

ҚОЗОҚ ТИЛИДА

ОЛМАОТА, 24 март. (ТАСС). «Қозоғистон» республика нашриёти В. И. Лениннинг 55 томлик Тўла асарлар тўпламининг қирқ бешинчи томини қозоқ тилида чиқарди. Нашрни Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти тайёрлаган.

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИДА

«Прогресс» нашриётининг Тошкент бўлими халқ шоири, Ленин мукофотининг лауреати Ғафур Ғуломнинг 80 йиллигига атаб унинг машҳур «Шум бола» повестини урду тилида босмадан чиқарди. Халқ шоирининг бу асари илгари форс тилида нашр этилган эди. Яқин вақт ичида повесть кўп нусхада араб тилида босмадан чиқарилади.

СССРнинг 60 йиллиги олдидан «Бахт қуши» тўплами — Ўзбекистон ёзувчиларининг ҳикоялари дари ва араб тилларида нашрга тайёрланди. Тўпламга Ойбек, Сарвар Азимов, Назир Сафаров, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Мирмухсин, Раҳмат Файзий ва бошқа адибларнинг энг яхши асарлари киритилди.

Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» романи чет эллик китобхонларга ғоят манзур бўлиб қолган. Эндиликда ҳинд китобхонлари ёзувчининг «Бўрондан кучли» романини ўз она тилларида ўқийдилар.

Афғонистонлик китобхонлар замонамизнинг атоқли адиби, Ленин мукофотининг лауреати Михаил Шолоховнинг «Очилган қўриқ», Дмитрий Фурмановнинг «Исён» романларини афғон тилида ўқийдилар. 1920 йилда Ўрта Осиёда контрреволюцион кучларнинг тор-мор этилиши тасвирланган «Исён» романини ва Михаил Шевердиннинг «Санжар ботир» романини дари тилида ўқийдилар.

(ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ЛЕНИН ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ

ХАНОЙ, 26 март. (ТАСС). Бугун Ханойда жаҳон пролетариати йўлбошчиси В. И. Лениннинг ҳайкали ўрнатилди. Бу маросимда Вьетнам Компартиясининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев бошчилигидаги КПСС делегацияси, ВКП V съездида қатнашиш учун бу ерга келган бошқа қардош партияларнинг делегациялари ҳозир бўлдилар.

Митингда ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ханой шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ле Ван Лионг ва М. С. Горбачев сўзга чиқдилар. Улар Вьетнам пойтахти марказида В. И. Лениннинг ҳайкали ўрнатилганлиги КПСС билан ВКП бирлигининг, Вьетнам коммунистларининг ленинизм байроғига содиқлигининг рамзи эканлигини таъкидладилар.

Фотообъективда — Непал.
Суратда: Бхактапурадаги сарой майдони.
Ю. Родионов фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

НУРСИЗ ИСТИҚБОЛ

Ғарбий Германияда ишсизлик шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам авжига чиқиб кетди. Бу хунук аҳволни мамлакатда чиқадиган нуфузли журналлардан «Шпигель» рўй-рост тасвирлаб, кейинги йигирма олти йил мобайнида ишсизлар армияси бунчалик кўпаймаган эди, деб таъкидлайди.

Чиндан ҳам ҳозир ГФРда ишсизлар сони икки миллион кишига етай деб қолди. Кўрилаётган баъзи «тадбир»ларга қарамай, бу рақам муқим бўлиб қолаётир. Нюренберг шаҳридаги бозор, меҳнат ва иш таъминоти билан шуғулланувчи махсус институтнинг таниқли мутахассиси Дитер Мертенс бу соҳада ўтказган тадқиқоти натижаларига суяниб ГФР тарихида бунчалик ҳалокатли аҳвол илгари сира юз бермаганлигини уқтиради.

Журнал ўз мақоласида экспертлар фикрига асосланиб 1982 йилдан то 1985 йилгача иш излаб юрган немис гражданларининг сафи яна 250 минг киши кўпаяди. Бу рақамга яна 150 минг чет эллардан келиб ГФРда ишлаётган кишиларнинг балоғатга етган фарзандлари қўшиладиган бўлса, юқоридаги рақам тағин ҳам ортиб кетади.

Аҳолини иш билан банд қилиш борасида 1985 йилдан кейин ҳам бирор умидли манзара кутилмайди, деб ёзади журнал. Мамлакатдаги оммавий ишсизлик одамларни мавжуд иқтисодий системага бўлган ишончсизлигини, шунингдек, жамиятдаги бошқа бебошликлар уларда чуқур умидсизлик кайфиятини тобора кўпайтирмоқда.

ОҒИЗДА ВА АМАЛДА

Ҳозирги Вашингтон маъмурияти ҳам илгаригилари сингари мамлакатда яшовчи халқлар, миллатлар, элатларнинг ўзаро тотувлиги, тенглиги, сиёсий ва ирқий жиҳатдан «баб-баравар» ҳуқуқи тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирадилар. Америка Қўшма Штатларида бундай баландпарвоз сўзлар фақатгина оғизда айтилади холос. Аслида эса тенгсизлик, адолатсизлик, инсонлар қадр-қимматининг топталиши АҚШда юксак чўққига чиққан. Америкадаги таниқли жамоат арбоби, энг йирик негр ташкилотларидан бири бўлган миллий шаҳар лигасининг президенти Дж. Джэкоб «Майами таймс» газетаси саҳифаларида юқоридаги хунук манзараларни батафсил ҳикоя қилади.

Кейинги йилларда негр оилаларининг турмушида бирор реал енгилликнинг юз бериши ўрнига, аксинча уларнинг аҳволи кундан кунга ёмонлашмоқда. Американинг бечора туб аҳолиси тобора камситилмоқда ва таҳқирланмоқда.

Дж. Джэкоб АҚШдаги қора танли гражданларнинг оммавий равишда ишсиз бўлиб қолаётганликларини мудҳиш фожиа, деб баҳолайди. Чунки, ҳозир мамлакатда негр аҳолисининг тўртдан бир қисми ишсизлар армияси сафида тентираб юрибди. Айниқса, ёшлар орасидаги ишсизлик кейинги йигирма йил ичида уч баробар кўпайди.

Воқеаларнинг бу тарзда ривожланиши саксонинчи йилларда ҳам қора танли америкаликларнинг турмушларида бирон бир рўшнолик юз бермаслиги аниқ кўриниб турибди, деб алам билан ёзади Дж. Джекоб.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

АҚЛ-ИДРОК ВА СУЛҲПАРВАРЛИК ОВОЗИ

Тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқини СССР термоядро ҳалокати хавфининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун, Осиёда ва планетанинг бошқа районларида тинчлик ҳамда давлатлараро ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсатини ўтказиш учун азму қарор берганлигининг янги далили, деб баҳоламоқда.

Оммавий ахборот воситалари, кўпгина таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари даставвал шунга эътиборни жалб қилмоқдаларки, нутқда олға сурилган янги таклифлар совет раҳбари яқинда СССР касаба союзларининг XVII съездида баён этган ташаббуслар билан Советлар мамлакатининг кенг кўламдаги тинчлик юритишнинг таркибий қисмидир. Улар мана шу таклифлар ва ташаббусларни тўла асосда ҳозирги замоннинг энг ўткир проблемаларини ҳал этишнинг реал йўли, деб билмоқдалар, ана шу проблемалар империалистик, реакцион ва консерватив кучларнинг авантюрачилик ва масъулиятсизлик ҳаракатлари билан вужудга келган эди.

Тошкентда баралла янграган ақл-идрок ва сулҳпарварлик овози, деб ёзади Болгариянинг «Работническо дело» газетаси, барча қитъаларда ва биринчи навбатда Осиёда кенг маъқулланиб кутиб олинди. Осиё қитъасида, деб таъкидлайди МХР телевидениеси, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи СССР регионидаги барча давлатлар билан яхши қўшничиликка, ҳамжиҳатликка ва ҳар томонлама ҳамкорликка интилаётганлигининг янги далили, деб баҳоланмоқда.

Бутун дунёда тинчлик учун оташин курашчи, замонамизнинг атоқли сиёсий арбоби Л. И. Брежневнинг нутқини ҳиндлар астойдил маъқуллаб қўллаб-қувватламоқдалар, деб таъкидлади Ҳиндистон парламентининг депутати Р. Хон. Биз конкрет характерда бўлган ва Европагагина эмас, шу билан бирга дунёдаги бошқа регионларга, шу жумладан Осиёга даҳлдор совет тинчлик таклифларини батамом маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Япония матбуоти Совет Иттифоқи Япония билан муносабатларини яхши қўшничилик, кенг кўламда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч принциплари асосида яхшилашга интилаётганлигини таъкидлайди.

Ҳиндистонда чиқадиган «Пэтриот» газетасининг фикрича, Л. И. Брежневнинг нутқи Хитой билан мулоқотни бошлаш, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда душманлик ва ётсирашни бартараф этиш имконини беради. «Совет раҳбари, — деб таъкидлайди Ғарбий Германиянинг «Франкфуртер Альгемайне» газетаси, — Хитойга бир қанча ўзаро мақбул тадбирларни таклиф этди, бу тадбирлар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш имконини берган бўлур эди».

Л. И. Брежневнинг Тошкентда сўзлаган нутқи хусусида билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ва унинг совет касаба союзлари съездида баён этилган олисни кўзловчи тинчлик ташаббуслари ҳамон кенг кўламда муҳокама этилаётганлиги холис ниятли барча кишилар совет тинчликсевар сиёсатини астойдил маъқуллаб қўллаб-қувватлаётганликларини кўрсатмоқда. Бунда Советлар мамлакати инсониятни ядро уруши хавфидан халос қилиш, халқаро вазиятни соғломлаштириш, халқлар ўртасида тинч ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун изчиллик ва сабот-матонат билан имкони бўлган ҳамма ишни қилаётганлиги таъкидланади.

ВАШИНГТОННИНГ ТАЗЙИҚИ

23 ва 24 март кунлари АҚШдаги Колорадо-Спрингсда НАТО ядро планлаштируви группасининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия мажлисларида шу агрессив ҳарбий блокка кирувчи мамлакатларнинг мудофаа министрлари қатнашдилар.

Гарчи сессиянинг иши жуда махфий вазиятда ўтган бўлса ҳам, матбуотда пайдо бўлиб қолган хабарлардан Вашингтон НАТОнинг шу анжуманидан ўз шерикларига яна қўпол тазйиқ қилиш учун фойдаланганлиги маълум бўлди. Унинг қистови билан милитаристлик тайёргарликларини кучайтириш ва кўпайтириш, аввало НАТОнинг Ғарбий Европада Американинг янги ядро ракеталарини жойлаштириш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш бош масала сифатида муҳокама қилинди.

«Вашингтон пост» газетасининг хабар қилишича, Америка ҳарбий маҳкамасининг раҳбари К. Уайнбергер «Першинг-2» ва қанотли ракеталарини Ғарбий Европа мамлакатларида жойлаштириш режалари ўз кучида қолаверишини ва белгиланган муддатда амалга оширилишини Колорадо-Спрингсда тўпланган министрларга яна бир бор писанд қилиб қўйди. Ядро планлаштирувчи группасининг сессияси тамом бўлганидан кейин эълон қилинган якунловчи ахборот ҳам АҚШ делегациясининг зуғуми билан худди шу руҳда тузилди.

Бироқ, Пентагон бошлиғининг урушқоқлик руҳидаги декларациялари якдиллик билан маъқулланганн йўқ. Ғарбий Европа давлатларининг раҳбарлари аҳолининг тобора кенг табақалари ядро қуролига ёппасига қарши чиқаётганлиги билан ҳисоблашишга мажбур бўлмоқдалар. Голландия билан Бельгия ҳар қандай «қўл қайиришларга» қарамай, Американинг янги ракеталарини ўз территорияларига киритишга розилик бермаяптилар. Англия, ГФР, Италия жамоатчилиги бу ракеталарни жойлаштиришдан воз кечишни тобора қатъият билан талаб қилмоқда.

Совет Иттифоқи тинчлик ташаббусларини ўртага қўяётган бир пайтда ядровий қуролланишга қилинаётган даъватлар айниқса ғалати туюлмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVII съездида ўртага қўйган янги амалий таклифлар бутун ер юзи аҳлига чуқур таъсир қилди ва кенг миқёсда қўллаб-қувватланди. Америкадаги оқилона тинчлик учун курашувчи граждандар, деб аталган жамоат ташкилотининг ижрочи директори Д. Кортрайт таъкидлаганидек, бу таклифлар «СССРнинг ҳозирги замондаги энг ўткир ва энг зарур проблема — ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаш проблемасини музокаралар йўли билан ҳал этишга интилаётганини кўрсатувчи янги обрў-эътиборли таклифларидир. Эндиги иш Рейган маъмуриятига боғлиқ. Оқ уй Совет Иттифоқининг янги ташаббусларини синчиклаб ўрганиши ва бунга жавобан амалий таклифлар билан майдонга чиқиши лозим.

Олинган хабарларга қараганда, бу сессияда ҳам қуролланиш пойгаси проблемасига ёндашишда АҚШ билан унинг иттифоқчилари ўртасида зиддият борлиги маълум бўлди. Канада миллий мудофаа министри Ж. Ламонтань журналистлар билан суҳбатда СССР билан АҚШ ўртасида ҳам тактик, ҳам стратегик қуролларни чеклаш проблемаси юзасидан амалий мулоқот ўтказилишини талаб қилганини айтди. Унинг иборасига кўра, Ғарбий Европа мамлакатларининг вакиллари бу масалада уни қўллаб-қувватладилар.

НЕФТЬ МОНОПОЛИЯЛАРИГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)нинг яқинда Венада бўлиб ўтган фавқулодда конференциясида жаҳон нефть бозорларидаги аҳволни стабиллашга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди. Шу нуфузли бирлашмага кирувчи ҳамма 13 давлатнинг нефть саноати ва энергетика министрлари ўтган йил ноябрида нефтга белгиланган ҳар баррель учун 34 доллар базис нархини сақлаб қолиш тўғрисида бир фикрга келдилар. Айни вақтда ОПЕКдаги 12 мамлакат министрлари сотилмай қолган запасларни қисқартириш ва Ғарб монополияларининг «қора олтин» нархини камайтириш йўлидаги уринишларига қаршилик қилиш мақсадида ҳар кеча-кундузда қазиб чиқарилаётган жами нефть миқдорини 20,5 миллион баррелдан 18,0 миллион баррелга келтиришга қарор қилдилар. Бу тадбирлар асосан Ғарб нефть корпорацияларининг ҳаракатлари натижасида нефть ва нефть маҳсулотлари бозорларида вужудга келган беқарорликни тугатишга ёрдам беради, деб умид қилмоқдалар.

Бу тадбирларнинг моҳияти шундан иборатки, капиталистик дунёдаги нефть бозорида ҳукмронлик қилаётган йирик Ғарб нефть монополиялари (Американинг 5 та, Англиянинг битта ва Англия билан Голландиянинг битта монополияси) кейинги йилларда стратегик запасларини вужудга келтириб олдилар. Ўтган йилнинг ўзидагина бу запаслар 158 процент кўпайтирилди. Нефть картеллари шу запаслардан фойдаланиб, бошқа нефть чиқарувчи мамлакатлар маддади билан ОПЕКка аъзо бўлган мамлакатлар коллектив куч-ғайратлари туфайли белгиланган одилона нархларни пасайтириш учун нефть харид қилишни вақти-вақти билан сунъий равишда қисқартирмоқдалар.

Капитал мамлакатларидаги сурункали иқтисодий кризис оқибатида имкони бўлган жойларда суюқ ёнилғи ўрнида кўмир ва торфдан фойдаланиш, Шимолий денгиздаги ва дунёнинг бошқа районларидаги нефть конларини ўзлаштириш натижасида ҳам нефтга бўлган талаб гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб турибди. Нефть картеллари ОПЕК мамлакатларини чўчитиш учун мана шуларнинг ҳаммасидан усталик билан фойдаланмоқдалар.

Вена конференцияси арафасида бу ташкилотга қарши айниқса қутуриб ҳужум уюштирилди. Ғарб матбуотида нефть «ҳаддан ортиқча ишлаб чиқарилмоқда» деб ва жаҳон бозорига «қора олтин» етказиб берувчи асосий мамлакатлар бўлмиш ОПЕК аъзоларининг нефть соҳасидаги сиёсати «путурдан кетиб қолди» деб шовқин-сурон кўтарилди. Англия Шимолий денгиздан қазиб чиқарилаётган нефтнинг нархини намойишкорона равишда анча пасайтирди. Монополиялар тазйиқ, лўттибозлик ва дўқ-пўписа ишлатишга ўтди. Улар ОПЕКка аъзо бўлган мамлакатлар орасида жанжал чиқаришга, иккиланувчи мамлакатларни ўз тарафларига оғдириб олишга, Ливия, Жазоир ва бошқа шу каби энг матонатли мамлакатларнинг иродасини бўшаштиришга уринди. «ОПЕКни барбод қилиш Ғарбнинг манфаатларига мос бўлиб тушади», — деб ёзди Лондондаги «Таймс» газетаси.

Ғарб бу сафар ҳам ўз мақсадига эриша олмаганини Венадаги конференция кўрсатди. «ОПЕКка аъзо бўлган ҳамма мамлакатлар Венада дафъатан фикрлар бирлигини намойиш этдилар», — деб ёзди «Нью-Йорк таймс» газетаси алам билан. Бу бирлик эса Ғарб нефть картелларининг ёпирилиб қилаётган ҳужуми қаршисида нефть чиқарувчи давлатлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали воситасидир.

А. ЯКОВЛЕВ.
Ю. ЛОПАТИН,
Д. ДИМОВ.
(ТАСС).

САНЪАТ ОЛАМИДА

ЁРҚИН ҚЎШИҚЛАР

«Табассум», «Тимсоҳ Гена қўшиғи...». Бу қувноқ қўшиқларни, унинг ёқимли, такрорлаганда кишида хушчақчақлик уйғотадиган сатрларини билмайдиган ёшлар ҳам топилса керак.

«Антошка», «Яшил вагон», «Мактабда нимага ўқитишади?», «Икки карра икки—тўрт», «Бирга юриш мароқли»... Бу ажойиб, шўхчан ва юморга бой қўшиқларни Иттифоқимизнинг барча бурчакларида мароқ билан куйлашади. Бу ажойиб қўшиқларнинг муаллифи бастакор Владимир Яковлевич Шаинскийни ёшлар жон-дилидан севади. Энг яхши бастакор, деб аташади, бу жуда тўғри. Унинг ажойиб қўшиқлари болаларга аталган бўлиб, тингловчилар кўнглида ёрқин туйғулар уйғотади, унга хуш кайфият бағишлайди. Фақатгина болаларга эмас, бу қўшиқлар катталарга ҳам ниҳоятда манзур бўлади. Улар ҳам Шаинский қўшиқларини тинглаганда олам-жаҳон завқ-шавқ оладилар.

Албатта, ўзинг куй басталаган қўшиқни тингловчиларга нечоғли мароқ бахш этаётганлигини кўриш ниҳоятда ёқимли. Шаинскийнинг ёш тингловчилар билан, санъат шинавандалари билан бўладиган ҳар бир учрашуви ниҳоятда таассуротларга бой бўлади. Худди шунингдек, қадимий Самарқандда Шаинский билан бўлаётган учрашувлар ҳам бастакорда, ҳам тингловчиларда чуқур таассурот қолдирмоқда. Таниқли бастакор қадимий шаҳарга Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар музика ҳафталиги ҳамда VIII анъанавий республика кўрик-конкурси —«Санъат байрами» қатнашчилари билан бирга келди.

2-болалар уйи-мактабининг директори Арфиар Давидович Давидян ўз ўқувчиларининг ниҳоятда хушчақчақ ва бахтиёр эканлигидан беҳад мамнун эди — ажойиб қўшиқларнинг яратувчиси Владимир Шаинский бугун болалар уйи-мактабининг ўқувчилари меҳмони. Бугун ана шу мактаб ўқувчилари — болалар ҳамда ёрқин қўшиқлар муаллифи — Шаинский ҳамкорликда «Табассум», «Тимсоҳ Гена қўшиғи», «Икки карра икки — тўрт» сингари қўшиқларни бирга куйлашмоқда. Учрашувдан кейин жуда кўп санъат шинавандалари Шаинскийнинг дастхати битилган граммпластинкаларни эсдалик сифатида олишди.

Каттақўрғон шаҳрида ҳам шўхчан қўшиқлар янгради. Бу мароқли қўшиқларни каттақўрғонлик болалар билан бирга республикамиз меҳмони — истеъдодли бастакор В. Я. Шаинский ижро этишди. Ана шу даврада 600 дан зиёд каттақўрғонлик болалар қатнашдилар. Самарқанддаги суперфосфат заводининг Химиклар саройида, Темирйўл районидаги 51-мактабда ҳамда бошқа жойларда таниқли бастакорни зўр қувонч билан қарши олишди.

Т. ТУХТАЕВА.

ҚУВОНЧЛИ УЧРАШУВЛАР

РСФСРда ва Бурятия АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби бастакор Александр Георгиевич Флярковскийнинг тақдири жуда ажойиб: унинг қўшиқларини энг кўп сонли аудитория — болалар ижро этади. У қаерга келмасин, ҳамма ерда уни яхши танийдилар. Бухоролик болалар ҳам ўз севимли композиторини азиз меҳмон сифатида қарши олдилар. Педагогика институтининг концерт залида ижодий кеча бўлиб ўтди. Болалар ва ўсмирлар учун Бутуниттифоқ музика ҳафталигини ўтказишнинг аҳамияти ҳақида гапириб, композитор қуйидагиларни таъкидлади: музика ёш гражданларда ватанпарварлик туйғулари, ўз халқи, Ватани, унинг маданиятига муҳаббат билан қараш туйғуларини тарбиялайди.

— Турли миллат маданиятларининг ўзига хос формаларига қарамай, уларнинг негизи бир — халқ маданиятидир. Мана шунинг учун ҳам ҳаммамиз учун Ўрта Осиё республикалари, рус, украин халқ маданиятлари бир хилда азиз ва қимматлидир. Биз, музикачилар, ўз асарларимиз билан совет халқининг улуғ ишларини қўшиқ қилиб куйлашга интиламиз, — деди А. Флярковский.

Тингловчилар автор ижросидаги «Пионерлар марши» ва «Суздаль» қўшиғини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Музика ва умумий таълим мактабларининг ўқувчилари композитор олдида ижодий ҳисобот бердилар. Улар композитор томонидан ёзилган қўшиқлар, шу жумладан, хор қўшиқларини ижро этдилар. Ҳунар-техника таълими билим юртларнинг Маданият уйи бадиий ҳаваскорлик коллективи қатнашчилари катта концерт программасини кўрсатдилар.

И. ҚЎЗИЕВ.

ЁШЛАР ИЖОДИДАН

РОССИЯ

Черномор макрига учган калладек
Азалий гумбазлар қотдилар шонсиз.
Муқаддас қулларнинг бўйларида тек
Оққушдек черковлар ётдилар жонсиз:
Тарих пайкалида ризкбахш ғарамдек
Не-не асрларга тутиб нону туз,
Маъюс ва покдомон биби Марямдек
Ҳадикли кузончда ўғлинг қучдинг, Русь!
Гоҳида чайқалган бир қадаҳ майдек
Инжилга тўкилдинг, бутга сачрадинг.
Заминдан юлиниб, бежалган найдек
Қамишзор шавкидан, завқ, ажрадинг.
Россия! Сокинмав» Китеждек сен эй,
Она-Ер кўксига дарз бўлиб тушдинг:
Сен — поши хўрланган князь Андрей,
Ажнабий ўқидан бағри қон Пушкин!
Чаққани ёргудек, — томирда чақнаб, —
Сен — олов хотира, оддий қон эмас:
Ҳар учган юлдузга фарёдинг чархлаб,
Ўн аср лабларни қақратган нафас!
«Ўзандан адашган дарёдек тошиб,
Саёз бўл!», дедилар... Бўлмассан саёз:
Титрасин ёвларинг! — Асрлар ошиб
Коловрат бурғуси янграмоқда боз!
Эзгулик ватани, эй буюк диёр,
Инқилоб бешиги жаҳон тираги —
Россия: Бугун сен — қалбдаги баҳор,
Адолат ва Эркнинг бўртган куртаги!

Абдулла ШЕР.

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

ФУТБОЛ: ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВЛАР

Ўтган куни мамлакатимизнинг тўққиз шаҳри стадионида мухлислар ҳайқириғи янгради. Олий лига командалари СССР 45-чемпионатининг дастлабки учрашувларида куч синашиш учун майдонга тушдилар.

Киев ва Тбилиси динамочилари учрашуви қизғин курашга айланди. Майдон эгалари— Киев динамочилари ҳужумкорликка зўр бериб, ҳисобни 3:0 га етказишди. Грузия футболчилари бўлса, 11 метрдан тепилган жавоб тўпи билан кифояланишди. Ваҳоланки, бу коллективлар яна бир неча кундан кейин СССР кубоги учун курашнинг ярим финалида ўзаро учрашадилар.

«Пахтакор» командаси мавсумни яна дуранг (ўтган йили ЦСКА билан 1:1 бўлган) билан бошлаб, бир очколи бўлди. Бу сафар ҳисоб очилмади. Яқинда биллур совриғи учун баҳснинг чорак финалида ўзаро учрашиб «синашта» бўлиб қолган торпедочилар ўз майдонларида ҳам «Пахтакор»га бас кела олмадилар.

Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: ЦСКА — «Қайрат» — 1:0, «Кубань» — «Торпедо» (М) — 1:0, «Металлист» — «Днепер» — 1:0, «Динамо (Мн) — «Динамо» (М) — 1:0, «Шахтёр» — «Нефтчи» — 0:0, «Черноморец» — «Арарат» — 0:1, «Зенит» — «Спартак» — 0:0.

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ!

БОҒБОНЛАР ҒАЙРАТИ

Наврўзи олам ўлкамизга ташриф буюргандан бери барча боғларда баҳорги ишлар қизиб кетди. Боғбон-соҳибкорлар баҳорги ишларни авж олдириб юборишди. Тошкент область, Орджоникидзе районидаги Ризамат Мусамуҳамедов номли совхоз-завод боғбон-соҳибкорлари ҳам шу кунларда астойдил меҳнат қилишяпти.

Кўп тармоқли хўжаликда узумчилик асосий ўринни эгаллайди. Совхоз-завод коллективи ўтган йили узумдан мўл ҳосил етиштирди. Халқимиз дастурхонига 4,5 минг тоннадан ортиқ узум етказиб берилди.

Совхоз-завод коллективи бу йил узумдан янада мўл ҳосил олиш учун курашмоқда. Кўклам бошланиши билан совхоз узумзорларида меҳнат симфонияси янграй бошлади. Эндиликда хўжалик соҳибкорлари техникага таяниб иш юритмоқдалар. Ҳозир хўжалик токзорларида кўплаб пневмоагрегатлар ишлаб турибди. Суратда: тажрибали соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Бойнапасов билан совхоз-завод директори Неъмат Тожибоев токзорларни кўздан кечиришяпти.

Р. Нуритдинов ва А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

Қашқадарё область Нишон райони марказида СССРнинг 60 йиллигига бағишлаб юбилей боғи барпо этилди. Боғга 12 минг туп гул, 20 минг туп мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бунга барча район ташкилотларининг меҳнаткашлари фаол ёрдам бердилар. Ҳозир районнинг колхоз, совхозларида СССР 60 йиллигига бағишлаб 60 гектарлик боғлар барпо этилмоқда.

М. КАРОМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

АЖАБ САВДОЛАР

ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН БИНО

ТАХТАПУЛДАГИ 3-ТУҒУРУҚХОНА ҚАЧОНГАЧА ШУ АҲВОЛДА ҚОЛАДИ?

Воажаб, куппа-кундузи ҳам одам йўқоладими? Яна бир эмас, бир неча киши. Бинойидек ишлаб туришган эди, бирданига ҳавога учгандай йўқ бўлишди-қўйишди. Олдинига уларни у ёқ-бу ёққа кетишган бўлса, қайтиб келишар, деб ўйлашган эди. Аммо, орадан кунлар, ҳафталар ўтиб, йўқолганлардан дарак бўлавермаганидан кейин кишиларнинг юрагига ғулғула тушиб қолди: «Соғ-саломат бормикин? Ишқилиб, бирор кор-ҳол рўй бермаган-бўлсин-да...».

Ана шундан кейингина ҳамма ёққа жар солиб, қидир-қидир бошланди:

— Исмоил Ромашкин звеноси билан йўқолиб қолди, кўрганлар бўлса 1-юқумли касалликлар касалхонасига зудлик билан хабар беришсин.

— Қачон? Қандай қилиб йўқолишди?

— Пешин эди. Эркин Багаутдинович келиб улар билан алланарсаларни гаплашди-да, кейин ҳаммаси бирдан ғойиб бўлди.

Биров у деди, биров бу деди. Баъзи бировлар эса Эркин Багаутдинович бошлиқ бўлиб ишлайдиган идорага бориб дараклашни маслаҳат беришди.

— Сайфулинми? Уни ўзимиз ҳам тополмай турибмиз, — деди 50-қурилиш бошқармасининг бош инженери Гуржи ўғли Ҳусейн Усмонович. — Эрталаб янги объектда бўламан, деб чиқиб кетган эди, бормабди. Балки йўлни чап солиб, бошқа объектларга кетгандир.

Бу хабарни эшитиб излаб келганларнинг кўнгли жойига тушгандай бўлди.

— Ҳайрият-е, бор экан-ку. Биз бўлсак уни... Ҳой, менга қаранг, ука, Исмоил Ромашкин ҳам омонми? Звеносичи? Уларга ҳеч нарса бўлгани йўқми?

Бош инженер ҳайрон бўлиб, елка қисди:

— Уларга нима бўларди, юришибди бинойидай. Қурувчи ҳам кўчманчидай бир гап. Ҳозир бу ерда бўлишса, эртага бошқа жойга кўчишади.

— Хўш, айтинг-чи, биздаги қурилиш нима бўлади? Ахир, у ерда иш бутунлай тўхтаб қолди-ку!

— 1-юқумли касалликлар касалхонасида ишни тўхтатишга мажбурмиз. Кран йўқ, арматура йўқ. Уч-тўрт ой сабр қилиб туришингизга тўғри келади.

Касалхона ходимлари бир ёқдан йўқотган одамлари топилганидан хурсанд бўлишса, бошқа ёқдан янги корпус қурилиши бутунлай ташлаб кетилганидан фиғонлари ошиб, тарвузлари қўлтиғидан тушиб қайтишди. Тўғрида, улар хафа бўлмай яна ким хафа бўлсин? Қурилиш бошланган 1979 йилданоқ аҳвол мана шундай. Ўша йили 150 минг сўмлик ўрнига аранг 30 минг сўмлик иш бажарилди. Бурноғи йили бўлса, бундан ҳам баттар бўлди — 450 минг сўмлик ишнинг атиги 15 минг сўмигина ўзлаштирилди, холос. Ўтган йили эса 200 минг сўмлиқдан аранг 27 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб-бажармай зим ғойиб бўлиб кетишди. Саксон иккинчи йилнинг уч ойи ўтиб кетаётган бўлса ҳам, ҳамон улардан дарак йўқ. Хўш, касалхона ходимлари энди қаерга бориб, кимга арз-ҳол қилишсин? Шаҳар ижроия комитетигами? «Главташкентстрой»гами? Касалхона маъмуриятининг арз-ҳолисиз ҳам янги корпус қурилишидаги аҳвол бир эмас, бир неча марта бу идора ва ташкилотларда муҳокама қилиниб, тадбирлар белгиланган, 12-қурилиш трести бошлиғи Владимир Иванович Колганов билан 50-қурилиш бошқармаси бошлиғи Эркин Багаутдинович Сайфулинга жиддий топшириқлар берилган эди-ку!

Аслини олганда 50-қурилиш бошқармасидан куйган фақат 1-юқумли касалликлар касалхонаси раҳбарларигина эмас эди. Шу касалхонага қўшни — 3-шаҳар туғуруқхонаси раҳбарлари ҳам уларнинг устидан юқори ташкилотларга бир неча марта шикоят қилиб чиқишга мажбур бўлишди. Бунинг сабаби бор.

Тошкент шаҳар ижроия комитети 1974 йилда шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли 1-юқумли касалликлар касалхонаси учун етти қаватли янги корпус биноси қуриш тўғрисида 72.12 сонли қарор қабул қилгач, Бош архитектура-планлаштириш бошқармаси ана шу қурилиш учун юқумли касалликлар касалхонаси билан 3-туғуруқхона ҳовлисидан ер майдони ажратиб берди. Бироқ туғуруқхона ҳисобидан ажратилган 0,8 гектар майдонда ёрдамчи хўжалик бинолари, чунончи, дезокамера, гистология лабораторияси, автоклав, идора, кирхона, қозонхона жойлашган эди. Буларсиз йилига салкам ўн уч минг кишини даволаб, беш мингга яқин чақалоқни қабул қилиб оладиган туғуруқхона ишини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Асосий пудратчи ташкилот — «Главташкентстрой»нинг 12-қурилиш трестига қарашли 50-қурилиш бошқармаси ишни биринчи навбатда ана шу биноларни бузишдан бошлади. Натижада, туғуруқхона энг муҳим ёрдамчи хўжалик биноларисиз қолди. Бунинг устига котлован қазиб бўлингач, қурувчилар ишни тақатак тўхтатиб, кўз бойлағичнинг тўрвасига тушган соққадай аллақаёққа зим-ғойиб бўлишди. Бир ёқда қурувчилар шарофати билан деворлар йиқилиб, туғуруқхона ҳовлиси кўчага қўшилиб кетган, иккинчи ёқда эса «йилт» этиб кун исиши билан қурилиш участкасида чанг-тўзон осмонга кўтарилади.

Булардан ташқари туғуруқхона ходимларини яна бошқа бир масала ҳам қаттиқ ташвишлантиряпти? Юқумли касалликлар касалхонасининг янги биноси туғуруқхона корпусидан атиги 34.5 метр нарида қад кўтаради. Масофанинг бу қадар яқинлиги келгусида жиҳозлари у ёқда турсин, ҳатто ҳавоси ҳам ўта мусаффо бўлиши лозим бўлган туғуруқхонада санитария-эпидемиология режимининг бузилишига, оналар ва чақалоқларга турли касалликларнинг юқишига сабаб бўлмасмикин?

Табиийки, туғуруқхона ходимлари Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳамда шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбарларига ўзларининг мана шу фикр-мулоҳазаларини бир неча марта етказишди. Бироқ, у ердан ҳам, бу ердан ҳам «ғишт қолипдан кўчган, бошланган ишни энди тўхтатиб бўлмайди», деган мазмунда бир хил жавоб эшитишди.

— Бўлмаса ёрдамчи хўжалик биноларини қуришга, ҳовлимиз кўчага қўшилиб кетган жойдан девор кўтаришга ёрдам беринглар. Буларсиз туғуруқхона ишлай олмайди ахир. — туғуруқхона ходимлари яна илтимос қилишди.

Мутасадди ташкилотдагилар бу гал ҳам ваъдадан нарига ўтишмади. Охири, бошқа иложи қолмагач, туғуруқхонадагилар кўплашиб, биноларни капитал ремонт қилиш учун ажратилган маблағнинг бир қисмини сарфлаб, автоклав, дезокамера ва бошқа зарур хўжалик хоналарини жиҳозлаб олишга мажбур бўлишди. Бироқ навбат ҳовли билан кўча ўртасидаги деворга келганида эса уларнинг қўллари қисқалик қилиб қолди.

— Ҳар қандай қурилиш ҳам аввало атрофи девор билан ўраб олиниши керак, — дейди туғуруқхона бош врачи Олия Умарова. — Бу ердаги қурилишда эса бунинг акси бўляпти. Қурувчилар бор деворларни ҳам олиб ташлабгина қолмай, ҳамма ёқни қурилиш чиқиндилари билан тўлдириб юборишди.

1-юқумли касалликлар касалхонаси бош врачи Мирзаахмад Ҳамидов ҳам шикоят қилади:

— Қурилиш бошқармаси раҳбарлари кўтарма кран йўқ, арматура ва бошқа материаллар йўқ, деб нотўғри айтяпти. Бу қурилишдаги ўзибўларчиликни ниқоблаш учун айтилган баҳона, холос. Чунки, ўтган йилнинг май ойида янги корпус биноси қурилаётган жойга кўтарма кран келтириб ўрнатишган ва у беш ой мобайнида бирор кун ҳам ишлатилмай бекор туриб қолган эди. Сўнг уни аллақаёққа олиб кетишди. Янги биномизда 2.3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Агар иш ҳозиргидек тарзда давом этадиган бўлса, яқин бир неча ўн йил ичида ҳам унинг қуриб битказилишига кўзимиз етмай турибди.

Ҳа, афсуски, 50-қурилиш бошқармаси бошлиғи Эркин Сайфулиннинг ишни ўз ҳолига ташлаб қўйгани сабабли ана шундай аҳвол рўй беряпти. Бошқармада асосий иш ўрнига баҳонавозлик, тартибсизлик кучайиб кетган. 1-юқумли касалликлар касалхонасининг янги биноси қурилиши «туя гўшти егани» сабаби ҳам ана шунда. Хўш, қачонгача аҳвол мана шундай давом этади? Бу саволга «Главташкентстрой» раҳбарлари нима деб жавоб беришаркин?

Рафиқ ТУРСУНОВ.

АХБОРОТ

НАМАНГАН

ХИЛМА-ХИЛ АТЛАСЛАР

Область қишлоқларида саноат корхоналарининг янги-янги филиаллари пайдо бўлмоқда. Шу йилнинг бошларида Янгиқўрғон районидаги Заркент қишлоғида Наманганадаги КПСС XXV съезди номли аврли газламалар комбинатининг цехи очилди. Эски биноларни қайта тиклаш ҳисобига ташкил этилган цехга 25 та тўқув дастгоҳи ўрнатилди. Уларни уч ойлик махсус курсни тугатган олтмишдан ортиқ қиз-жувонлар моҳирлик билан бошқармоқдалар. Ҳозир бу ерда «0—17» артикулли хонатлас, шахмат, яҳудий, қора ва сариқ атласлар тўқилмоқда. Ёқутхон Маматова, Сожида Сотиболдиева, Мўйрахон Турсунова, Муяссар Мукаррамовалар бир сменада 4 ўрнига 7,5—8 метрдан аъло сифатли газлама тўқишяпти.

Яқин кунларда яна 10 дастгоҳ ўрнатилади. Филиал тўла қувват билан ишга тушгач, икки сменада 200 киши меҳнат қилади.

МАСОФА ЯҚИНЛАШДИ

Учқўрғонда янги кўприк фойдаланишга топширилди. Фарғона водийсида ягона ҳисобланган бу иншоотни 7-«Мостострой» трестининг Андижондаги 68-кўприк қуриш отряди коллективи бунёд этди. Кўприк битказилиши билан шаҳарнинг шимолий қисмига борадиган йўл 4 километр қисқарди. Асосийси, транспорт ва пиёдалар ҳаракати илгаригидан анча яхшиланди.

СПОРТ КОМПЛЕКСИ

Косонсой шаҳри кун сайин жамол очмоқда. Бу ерда яна бир улкан иншоот — спорт комплекси қад кўтараётир. Комплекс 20 минг томошабинга мўлжалланган. Объектда 1 миллион 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Унда футбол майдони, қишки спорт зали, қишда ҳам сузиш мусобақалари ўтказишга мўлжалланган бассейн бўлади, волейбол, баскетбол, енгил атлетика ва бошқа турдаги мусобақалар ўтказиладиган махсус майдончалар қурилади. Комплексда 52 ўринли меҳмонхона, маъмурий бинолар бўлади.

Спорт комплексининг асосий объектларини биринчи май байрамига қадар фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Наманган шаҳрининг ёш спорт ишқибозлари яна бир қулайликка эга бўлишди. Бир вақтнинг ўзида 700 ишқибоз шуғулланиш имкониятига эга бўлган спорт мактаби қурилиб фойдаланишга топширилди. Мактаб уч залдан ташкил топган бўлиб, спортнинг барча турлари билан шуғулланиш мумкин.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Будильник. 10.25 —Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.25 — Здоровье. 12.10— Тонгги почта. 12.40 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 12.55—Қишлоқ янгиликлари. 13.55 —Музикали киоск. 14.25 — Спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар. 15.00 — Том Сойернинг саргузашти. Бадиий фильм. 2-серия. 17.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.15 — Баҳор қўшиқлари. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Хатларингиз асосида... 19.50 — Табор кўкка интилади. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, композитор Т. Н. Хренниковнинг ижодий кечаси. 23.05 — Футбол шарҳи. 23.55 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 10.20 — Қариялар учун эрмак. Бадиий фильм. 11.35 — «Московские новости» газетасининг соврини учун спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар. 12.10 — Бу фантастик олам. 13.25 — Бурятия АССР, Чита, Иркутск областлари бадиий коллективларининг чиқиши. 13.55 — Ҳайвонот оламида. 14.55 — Кураш билан 60 йил. 15.55 — Анна Томова-Синтова, Франко Боннисолли ва Тео Адам куйлайди. 16.35 — Фронтдош дўстлар клуби. 17.45 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.15 — Строговлар. Бадиий фильм. 7-серия. 19.20 — Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 21.20— Композитор В. Гаврилин қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.05 — Эски деворлар. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Санъат усталари. 11.35 — Ўзбекистон спорти. 12.05 — Қувноқ стартлар. 13.35 — Т. Минуллин. Ой бўлмаса — юлдуз бор. Спектакль. 14.35 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 16.25 — Реклама. 18.10 — Мультфильмлар. 18.10 — Бутуниттифоқ китоб ҳафталигига. 18.50 —Ҳужжатли фильм. 19.00 — Рассом Рўзи Чориев. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Кино оламида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Рақс. 21.30 — Время. 22.05 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 центнердан. 22.25 — Жавоҳирлар маликасига ҳужум. Бадиий фильм.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Шиддатли шамоллар мавсуми Бадиий фильм. 10.55 — Илмий-оммабоп фильмлар. 11.30 — Маяковский — рассом. 12.15 — Олға болакайлар. 12.45 — Болалар учун фильм. 13.50 — Музикали программа. 15.30 — Чавандозлик бўйича СССР чемпионати. 16.10 ва 18.30 —Янгиликлар. 18.50 — Ҳамдўстлик. 19.15 —Қорабайир изидан. Бадиий фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45— Концерт. 21.15 — 1 апрелдан ёзги вақтга ўтилади. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. Динамо (К) — Арарат. 23.45 —Музикали абонемент.

ТОШКЕНТ-I. 18.10 — Қўғирчоқ фильм. 18.25 — Комсомолдан ўрнак ол. 19.00 — Ўзбекистон — Қорақалпоғистон. Иккинчи кўрсатув. 19.30— Ахборот. 19.45 — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — Озиқ-овқат программасининг асоси. 19.55 — Рассом Р. Чориев. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Бугун оламда нима гап? 22.15 — Комсомол-ёшлигим менинг. 23.40 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.30 — Илмий оммабоп программа. 19.00 — Телевизион фильм. 20.00 —Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Олий математика. 21.30 — Москва-II.

...қалар. 18.05 — Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. Коростилёв билан учрашув. 18.45 — Стадион ҳамма учун. 19.15 —Халқ куйлари. 19.30 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 20.00 — Концерт. 20.20 — Фильм-спектакль. 21.30—Время. 22.00—Фильм-спектаклнинг давоми. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 —Илмий-оммабоп фильм.

29 МАРТ, ДУШАНБА

Профилактика муносабати билан Марказий телевидениенинг шу кунги биринчи программасини бешинчи канал орқали соат 9 дан 18.05 гача томоша қилинг.

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 10.40 — Болалар учун фильм. 12.00 — Концерт. 12.30 — В. Каверин. Кўзгу олдида. 13.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 —Ҳужжатли фильм. 15.30 — Бил ва уддала. 16.15 — Оналар мактаби. 16.45 — Гимнастика. Халқаро мусобақалар. 18.05 — ...

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Қўшиғимдасан, Ўзбекистон. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Эстрада программаси. 14.00 — Замин ва замондош. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.45 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан. 18.15 — Спорт программаси. 19.25 — Студент ва ёшларнинг талабларига биноан концерт. 20.15 — Шу куннинг қўшиқлари. 21.00 — Янги турмуш, янги анъаналар. 21.10 — Хайрли тун. 22.30 — Лирик концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

29 МАРТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Партия ҳақида қўшиқлар. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Публицист минбари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 —Табаррук замин. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — Ғижжак тароналари. 21.00 — Шу куннинг муҳим сиёсий воқеалари. 21.10 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 23.30 — Дам олиш концерти.

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
16 МАЙГАЧА
ПАРДУБИЦА ШАҲРИ
(Чехословакия)
«ОЙМОМА БОҒИ»НИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Боғда қуйидаги аттракционлар ишлайди: қўнғироқли йўл, автодром, занжирли арғимчоқ, учар тарелкалар, тасодифлар ғори, «ҒОЗ» арғимчоқ, «ОҚҚУШ» арғимчоқ, болалар арғимчоғи, болалар поезди; пинг-понг, кегелбан, ютуқли тир аттракционлари.

Аттракционлар ҳар куни соат 15.00дан 21.00гача, шанба кунлари соат 12.00дан 21.00гача, якшанба кунлари соат 10.00 дан 21.00гача ишлайди.

Дам олиш куни — душанба.

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ «ОЙМОМА БОҒИ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

●

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг
1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)
троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган
5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Ўқувчилар, сўнгра ҳайдовчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Ёлғиз кишилар депо яқинида жойлашган ётоқхонадан жой оладилар.

Ўқувчилар ва ҳайдовчилар 50 процент ҳақини тўлаб формали кийим-бош сотиб оладилар.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/IIIда **Олтин девор** (11.00), **Оқ танлилар** (15.00), 30/IIIда **Абу Али ибн Сино** (11.00), **Оқ танлилар** (15.00), 31/IIIда **Келинлар қўзғолони** (11.00), **Оқ танлилар** (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/III да **Кулги кечаси** (15.30, 19.30), 29/III да **Олифта** (15.30), **Заҳар ичган даъвогар** (премьера) (19.30), 31/III да **Дилафрўзга тўрт ошиқ** (15.30, 19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/III да **Зада бўлган пайғамбар**, 30/IIIда **Сокин тонглар**, 31/IIIда **Отасининг қизи.**

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО раҳбарлигидаги «Мўъжизалар оламида» иллюзион аттракциони иштирокида катта цирк томошалари.**

Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти коллективи катта илмий ходим П. Қ. Қаюмовга онаси

Зайнаб АЛИМҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 23-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-38, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 06178. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 74. 7'